

Резавор ўсимликлар хушбўйлиги, таркибида инсон организм учун фойдали витамин ва минерал тузларнинг кўпайиши ҳамда шифобахш хусусиятлари билан ҳам қимматлидир.

Маҳаллаларда ҳам оқсоқоллар, маслаҳатчилар ва фаолларнинг кўмаги билан ҳар бир битирувчининг келгуси режаси ҳақида суриштирилиб, ёшларни касб-хунарга йўллаш, ота-оналар масъулиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Айрим ёшлар ўз биланларидан қолмай ёки оилада ҳуқуқий саводхонлик етарли даражада эмаслигидан қонуний никоҳдан ўтмай, шариий никоҳ орқали турмуш қуришмоқда.

Маҳалла

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви наشري

2010 йил 1 июль. Пайшанба

1996 йилдан чиқа бошлаган

ISSN 2010-7013

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Биз учун энг буюк, энг азиз қадрият бўлиши истиқлолимизнинг ҳар бир санаси янги тарихимиз солномасида том маънода ёрқин саҳифа бўлиб, халқимизнинг фидокорона меҳнати, бунёдкорлик салоҳиятининг яна бир амалий намоёни, эркин, озода ва фаровон ҳаётимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли сифатида кенг нишонланиб келмоқда. Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар эл-юртимиз, айниқса, ёш авлодимиз қалбига она юрт туپроғини кўзга тўтиб қилиб яшаш, Ватанга меҳр ва садоқат туйғусини юксалтиришда катта аҳамият касб этмоқда.

Ана шу муҳим йўналишда шаклланган анъаналарни узвий давом эттирган ҳолда, ўтган давр мобайнида барча соҳа ва тармоқларда кўлга киритган улкан марралар, ютуқ ва натижаларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини, қадр-қимматини теран идрок этиш, уларни эл-юртимиз ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш, байрам тадбирларини халқимиз қалбига чуқур таассурот қолдирадиган юксак савияда ўтказиш мақсадда:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловига мувофиқ тасдиқлансин.

Республика комиссияси бир ҳафта мўддатда "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон" деган эзгу гояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

2. Ушбу дастурни тайёрлашда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

Ўтган ўн тўққиз йиллик мустақил тараққиёт йўли Ўзбекистонимиз учун сиёсий соҳада, давлат ва жамият қурилиши, иқтисодий, ижтимоий ҳаёт ва маънавият, сул-ҳуқуқ тизими, ташқи сиёсат ва хавфсизликни таъминлаш борасида ривожланиш ва юксалиш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш даври бўлганини чуқур очиб бериш;

мустақиллик йилларида эришган энг катта бойлигимиз — халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби олжаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадрият-

ларга уйғун бўлиб яшаш тамойили тобора мустақамланиб бораётганини тарғиб этишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш; шу ўтган даврда бетакрор меросимиз, бой тарихимиз, дину диёнатимиз, кўҳна урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тиклангани, одамларимизнинг дунёқароши тубдан ўзгариб, Ватан тақдирини ва истиқболни дахлдорлик туйғуси маънавий ҳаётимизнинг узвий қисмига айланиб бораётганини ҳар томонлама очиб бериш;

истиқлол халқимиз учун янги-янги имкониятлар туғдириб бераётганини, ҳар бир юртошимизнинг ўз истеъдод ва қобилиятини намоён этиши, мамлакатимизда инсон ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш, ҳеч қимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этишини мустақам замини бўлиб келаётганини ўтказиладиган барча тадбирларнинг маъномазмунига теран синдириш;

биз танаб олган миллий тараққиёт йўли асосида юртимизда кенг қўламли ислохотлар янги босқичда давом эттирилаётгани, Ўзбекистоннинг жаҳон молиявий инқирози шароитида иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари, аҳолининг ҳаёт даражасини барқарор сақлаб қолиш борасида эришяётган амалий натижалари, тараққиётнинг ўзбек моделига хос устувор тамойиллар дунё жамоатчилиги томонидан кенг эътироф этилаётганига алоҳида эътибор қаратиш;

мамлакатимизда қабул қилинган муҳим ижтимоий дастурлар, жумладан, "Баркамол авлод йили" Давлат дастурининг ижобий самараларини, ёш авлод таълим-тарбияси, уларнинг ҳам маънавий, ҳам жисмоний соғлом бўлиб камол топаётганини аниқ ва таъсирчан ҳаётий мисоллар ёрдамида ёритиб бериш.

3. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида Мустақиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маърифий учрашувлар, жонли мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадиий кечалар, маданий тадбирлар ўтказиш мақсадида таълим олимлар, адаблар ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари ташкил этилсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб бориши таъминлансин.

(Давоми 2-саҳифада)

Инқирозга қарши чоралар дастури — амалда



Шухрат ОЛИМОВ (Ўза) олган сурат.

Андижон вилояти Олтинқул туманида яшовчи Солиҳов Раҳмонов хусусий сектор вақилига яратилган кенг имконият ва имтиёزلардан унумли фойдаланиб, «Сувюдуз текстиль» кор-

хонасини ташкил этди. Тадбиркор «Ҳамкорбанк»нинг молиявий кўмагида замонавий тўқув дастгоҳлари халтириб, сифатли ва арзон бўз матолари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Натижада 30

СУРАТДА: Олтинқул туманидаги «Сувюдуз текстиль» хусусий корхонаси ишчиси Мавлудахон Мирзалиева.

киши доимий иш билан таъминланди.

Ўзбекистон хорижликлар нигоҳида

МАФТУНКОР ШАҲАРНИНГ ХУШ МАНЗАРАСИ

Бугунги Самарқанд олам аҳлини тобора мафтун айламоқда. Кундан-кун чирой очиб бораётган шаҳарда айни пайтда ҳам кенг қўламли қурилиш, ободончилик ишлари амалга оширилмоқда. 444 манзилда давом этаётган бунёдкорликларнинг 141 таси янги қурилиш ҳисобланади. 11 та кўп қаватли тураржой, 4 та маъмурий бино, 108 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объекти шулар жумласидандир. Еттига объектда 8,8 километри йўл кенгайтирилиб таъмирланаётир. Самарқанднинг замонавий қиёфаси хорижий сайёҳларни ҳам бефарқ қолдирмапти. Муҳбиримиз қадимий ва навқирон шаҳарга ташриф буюрган меҳмонларнинг айримлари билан суҳбатда бўлиб, уларнинг фикрларини қорғозга туширди.

Морин Кана (Япония):

— Ўзбекистон дунёдаги энг гўзал мамлакатлардан бири сифатида эътироф этилади. Самарқандни кўргач эса, бу таърифлар нақадар чуқур асосларга эга эканига амин бўлдим.

Ўзбеклар ўз юрталарини, қадимий шаҳарларини, миллий

қадриятларини жуда эъзозлашар экан. Аслар оша яшаб келаётган обидлар, тобора яшарайётган шаҳар ана шу эъзоз самарасидир, албатта.

Шарқ халқларининг, айтиш жойизки, дунё санъатининг саҳнасига айланган Регистон ансамбли менда унутилмас таас-

сурот қолдириди. «Шердор» мадрасаси билан ёнма-ён барпо этилган «Йўлбарслар» хивонининг гўзаллигини айтмайсизми. Уни таърифлашга тил ожиз.

Бизнинг мамлакатимизда Ўзбекистонга қизиқиш катта. Айниқса, Самарқандда сақланиб келинган миллий урф-одатлар, ўзинга ҳос либослар, хунардорчилик соҳасида давом этаётган устоз-шогирд анъаналари ялонларни ҳайратга солади.

Ҳа, туғилиб ўстан заманини, ажодлар меросини эъзозлаган, уни бойитган, умрбоқийлик бағишлаган ўзбекистонликларнинг ибратли ишлари барча халқларга намуна бўла олади.

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ > [2]

Қирғизистон Республикаси ўтиш даври Президенти Роза Отунбоева Жаноби Олияларига

Хурматли Роза Исоқовна! Жорий йилнинг 27 июнь куни бўлиб ўтган референдум натижаларига мувофиқ Сизга Қирғизистон Республикасининг ўтиш даври Президенти ваколатлари берилгани муносабати билан табриклиман ҳамда дўст Қирғизистон халқига чин юракдан тинчлик ва тотувлик, барқарорлик ва фаровонлик тилайман.

Ишончим комилки, Қирғизистоннинг Ўш ва Жалолобод вилоятларида рўй берган қонли ва ғайриинсоний воқеалар юзасидан холис ва адолатли тергов, умид қиламанки, у мутахассислар ва халқаро экспертлар иштирокида ўтказилади, кўп асрдан бунён Қирғизистон жанубида яшаб келаётган қирғиз ва ўзбек миллатига мансуб аҳоли манфаатларининг муштараклиги ва узвийлигини намоён этади.

Шу билан бирга, ушбу тергов ўзининг қабих мақсадларига эришиш йўлида минглаб бегуноҳ одамларнинг ҳаётини қурбон қилишдан ҳам тап торتماйдиган фитначи ва ташқи буюртмачиларнинг асл башарасини очиб беради.

Яна бир бор шуни ишонч билан таъкидламоқчиманки, Қирғизистон халқининг ақл-идроки бутунги кунда унинг бошига тушган бу синовларни енгиб ўтиш имконини беради.

Эҳтиром билан,

Ислам КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИМИЗ ИФОДАСИ

1 июль — Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси — сўм муомалага киритилган кун

Давлат мустақиллигини белгилайдиган муҳим белги ва шарҳлардан бири мамлакатнинг миллий валютасидир. Президентимиз Ислам Каримовнинг 1994 йил 16 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида"ги фармони мувофиқ 1994 йил 1 июндан сўм муомалага киритилди.

Иқтисодий мустақилликни таъминлашнинг асосий омилларидан бири — қатъий пул-кредит сиёсатини амалга ошириш, мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш, энг муҳими, яли ички маҳсулот ўсиши барқарорлигини таъминлашдир. Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида истиқлолимизнинг дастлабки йилларида қабул қилинган ва беш тамойилга асосланган иқти-

содиётни ривожлантириш ҳамда ислох қилишининг "Ўзбек модели" ўзининг юксак самараларини бермоқда. Ўзбекистоннинг бу мустақил тараққиёт йўли нақадар тўғри ва мустақам экани жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида яна бир бор ўзини тўла оқлади.

Ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш жараёнида мамлакатимиз банк-молия тизимида етарли ресурсларга эришиш ва ишончли захира яратилди. Энг муҳими, иқтисодиётимизни спекулятив капитал, жаҳон молия ва фонд бозорларидаги бошқариб бўлмайдиган жараёнлар таъсиридан ҳимоялаш бўйича зарур чоралар қўрилди.

ИСЛОХОТ САМАРАЛАРИ > [3]

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ ВА МАРКАЗИЙ БАНКИ ҲАМДА ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИНИНГ ҚЎШМА БАЁНОТИ

Тошкентда 30 июнь куни Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) миссияси ва Ўзбекистон Республикаси расмий органлари қуйидаги қўшма баёноти қабул қилди:

"Халқаро валюта жамғармаси миссияси 2010 йилнинг 14-29 июнь кунлари Ўзбекистон билан IV-модда бўйича 2010 йилги маслаҳатлар доирасида муҳокамадор ўтказиш учун Тошкентда бўлди. Миссияга ХВЖнинг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари департаменти директори ёрдамчиси Талин Коранчеля хоним раҳбарлик қилди. Иқтисодий сиёсатни муҳокама қилишда ХВЖнинг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари департаменти директори ўринбосари Дэвид Оуэн иштирок этди.

Муҳокама чоғида жаҳон инқирози даврида қабул қилинган иқтисодий сиёсатнинг инқирозга қарши чораларига, 2009 йилнинг иқтисодий яқунларига, 2010 йил ва ўрта муддатли истиқболда иқтисодий ривожланиш истиқболларига, шунингдек, Ўзбекистон учун долзарб бўлган иқтисодий сиёсат масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Расмий органларнинг пухта ўйланган иқтисодий сиёсати туфайли жаҳон иқтисодий инқирози шароитида ҳам Ўзбекистон барқарор мамлакат бўлиб қолаётгани, Мазкур сиёсат бюджетнинг сезиларли профицитини таъминлаши ва уларга бу даврда ривожланишни қўллаб-қувватлаш учун катта миқдордаги ресурсларни

тўплаш имконини берди. Миссия расмий органларни инқирозга қарши ўз вақтида ва самарали чоралар кўргани билан табриқлади, расмий органларнинг инқирозга қарши дастурлари, жумладан, солиқ юкларини камайтирилиши 2009 йилда жаҳон инқирозининг банк секторига таъсирини чекаш, тўлов балансини ижобий сальдосини ва юқори ўсиш суръатларини сақлашда муҳим аҳамият касб этганини қайд этади. Жаҳон молия бозорларидан қарз олишга гоъят эҳтиёткорлик билан ёндашиш ҳам мамлакатта глобал инқироз таъсирини юмшатиш имконини берди. Яли ички маҳсулотнинг реал ўсиши 2009 йилда 8,1 фоизни ташкил қилди, бу дунёдаги энг юқори кўрсаткичлар-

дан биридир. Айни вақтда инфляциянинг ўртача ўсиши сезиларли даражада ошмади.

Инқирозга қарши чоралар дастури самараси давом этаётгани, расмий органларнинг соаноатни модернизация қилиш ва инфратузилмани ривожлантириш дастури, ташқи иқтисодий конъюктурани яхшилаш туфайли 2010 йилда реал яли ички маҳсулотнинг янада ўсиши ва у 8 фоизни ташкил этиши кутилмоқда. Расмий органлар ва миссия келажакда ҳам пухта ўйланган макроеқтисодий сиёсат ёрдамида инфляция босими шаклланишининг олдини олиш қисқа муддатли истиқболда асосий вазифа ҳисобланишини маъқуллаяди.

(Давоми 2-саҳифада)

ҚИРҒИЗИСТОНДАН ВАҚТИНЧА КЎЧИБ КЕЛГАНЛАРГА ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ ТЎҒРИСИДА

Аввал хабар қилинганидек, шу йилнинг 11-15 июнь кунлари Қирғизистон Республикасининг жанубида содир этилган фожиали воқеалар оқибатида 100 мингга яқин Қирғизистон фуқароси мамлакатимизнинг Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида вақтинчалик қабул қилиниб, жойлаштирилган эди.

Уларга Ўзбекистон ҳукумати, корхоналари, муассасалари, жамоат ташкилотлари ва аҳолиси томонидан зарур ёрдам кўрсатилади. Чегарадош туманларда Қирғизистондан вақтинча кўчиб келганлар учун лагерлар ташкил қилинди.

Ақсарият қисми хотин-қизлар, болалар ва қариялардан иборат жабрланганларни қўллаб-қувватлаш мақсадида халқаро ташкилотлар ва бир қатор давлатлар инсонпарварлик ёрдамини жунатди.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан Қирғизистондан вақтинча кўчиб келганларга инсонпарварлик ёрдамини тегишли манзилларга аниқ ва тезкорлик билан етказиб бериш учун барча чора-

тадбирлар қўрилди.

Ўзбекистоннинг вақтинча кўчиб келганлар жойлашган ҳудудларига хориждан жами қиймати 3926,6 минг АҚШ долларига тенг инсонпарварлик юки келди. Уларнинг яримдан кўпи халқаро ташкилотлар томонидан тақдим этилди.

Жумладан, БМТ 1 337,9 минг, Қизил хоч ва Қизил ярим ой жамияти 636 минг, ЮНИСЕФ 67 минг, Халқаро шифокорлар лигаси 64,4 минг, Чегара билмас шифокорлар 41,8 минг долларлик ёрдам кўрсатди.

Қирғизистон жанубида рўй берган фожиали воқеалар натижасида жабрланганларга Россия (1 280,5 минг доллар), ХХР (438 минг доллар) ва Грузия (60,9 минг доллар) ёрдам кўрсатди.

Ўзбекистонда қўшни давлатдан вақтинча кўчиб келганларга бепул тиббий ёрдам кўрсатилади. Улар барча зарур нарсалар — палаткалар, кўрпа-тўшак, кийим-кечак, озиқ-овқат ва маиший буюмлар билан таъминланади. Вақтинчалик кўчиб келганлар жойлашган лагерларни ташкил қилиш учун қўллаб одамлар ва

молия ресурслари жалб қилинди.

Ўзбекистон ҳукумати жабрланганларга умумий қиймати 4 034 412,9 минг сўмлик инсонпарварлик ёрдами кўрсатди. Бундан ташқари, мамлакатимиз ташкилотлари ва корхоналаридан 3,1 миллиард сўмдан ортиқ пул маблағлари тушди, Ўзбекистоннинг барча аҳолиси катта ёрдам кўрсатди.

Қирғизистон Республикасининг муваққат ҳукумати вақтинча, Ўш ва Жалолобод вилоятлари губернаторлари, туманлар раҳбарлари вақтинчалик кўчиб келганлар учун Ўзбекистон ҳудудида ташкил этилган лагерларни келиб кўрди. Улар Қирғизистон Республикаси фуқаролари билан учрашув чоғида вақтинчалик кўчиб келганларни ватанига қайтарган, хавфсизлиги тўлиқ таъминланганига ишонтирди. Шу муносабат билан Ўзбекистон ҳудудида вақтинча яшаб турган қўшни давлат фуқароларининг деярли барчаси айни пайтда Қирғизистонга қайтди.

(Давоми 2-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-саҳифада)

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликларига, Хотин-қизлар кўмитаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармаларига Мустақиллик байрамининг ўн тўққиз йиллигини муносиб нишонлаш учун жойларда тегишли комиссиялар тузиш ҳамда республика дастурида белгилаб берилган асосий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, байрам муносабати билан шаҳар ва қишлоқларда, маҳалла ва гузарларда, кўпқаватли уйлар атрофида ободонлаштириш ишларини олиб беришни кўзда тутиб, тадбирлар режасини ишлаб чиқиш топширилсин.

Мазкур режа ва дастурлардан ўрин олган тадбирларни расмийлик ва баландпарвозлик ҳолатларига йўл қўймасдан, кенг жамоатчиликнинг вакиллари билан жалб этган ҳолда, оддий одамларнинг қалби ва онига етиб борадиган, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтарадиган, янги марралар сари ихлолантирадиган таъсирчан шаклда ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин.

5. Республика комиссияси ўз йиғилишларида дастурда белгиланган чора-тадбирлар марказида ва жойларда қандай амалга оширилаётгани юзасидан ҳар қайси ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарлари ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борсин.

6. Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак профессионал маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шoirлар, композитор ва балетмейстерлар, сахна рассомлари, истеъдодли ёш санъаткорлар, фольклор санъати вакиллари билан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

7. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги "Ўзбекнаво" эстрада бirlашмаси, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари билан биргаликда юртимиз истиқлолини тараннум этишга қаратилган энг яхши кўшиқлар, мусика асарлари учун

"Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика танловининг якуний босқичини ўтказсин. Танлов ғолиблари ва совриндорлари Мустақиллик байрами арафасида тўлон қилинсин.

8. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан биргаликда август ойининг охирида мамлакатимиз мустақиллигига бағишланган "Энг улуғ, энг азиз" анъанавий танловининг якуний босқичини ўтказсин.

9. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Ўзбекнаво" эстрада бirlашмаси ва Бастакорлар уюшмаси ёш ижрочилар ўртасида "Нихол" мукофотига номзодларнинг республика саралаш босқичини ҳамда ғолиблар ижросидаги концерт дастурини август ойининг биринчи ярмида юқори даражада ташкил этсин.

10. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари: Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, хўжаликлар, жамғармалар ҳисобидан; Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

11. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Жаҳон" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мустақилликнинг ўн тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга ошириладиган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2010 йил 30 июнь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ ВА МАРКАЗИЙ БАНКИ ҲАМДА ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИНИНГ ҚЎШМА БАЁНОТИ

(Давоми. Боши 1-саҳифада)

Миссия расмий органларнинг мамлакат аҳолиси жон бошига реал даромадини янада ошириш, ўсиб бораётган ёш ишчи кучи учун янги иш ўринларини ташкил этиш Ўзбекистоннинг ўрта муаддатли истиқболдаги вазифаси экани хусусидаги фикрини тўла маъқуллайдди. Бунда расмий органларнинг саноатни модернизация қилиш бўйича дастури Ўзбекистонда инвестицияларни кенгайтириш учун асос бўлиб хизмат қиладиган инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган. Кейинги тўрт йилда молия секторига жиддий ривожла-

нишга эришилди, банклар қатлими ва активларининг сезиларли даражада кўпайиши банк секторини барқарорлаштиришга ёрдам берди ва саноатни модернизация қилиш ҳамда инфратузилмани ривожлантириш давлат дастурини қўллаб-қувватлаш имконини берди.

Давлат дастурининг иқтисодий афзалликларини тўла амалга ошириш мақсадида миссия қатор тавсиялар берди. Бу тавсиялар қатъий пул-кредит сиёсатини, янада мослашувчан курс сиёсатини, айниқса, валюта тизими ва солиқ маъмуриятини янада ислоҳ қилишни, молия секторини ривож-

лантиришни, шунингдек, маълумотлар сифати ва тарқатилишини яхшилашни давом эттиришни ўз ичига олган. Мазкур тавсиялар расмий органлар томонидан иқтисодий сиёсатни такомиллаштириш ва амалга оширишда синчковлик билан қўриб чиқилди.

Миссия расмий органлар эътиборини ХВЖ Ўзбекистонга ислохотларни янада чуқурлаштиришда, жумладан, техник ёрдам кўрсатишга тайёр эканига қаратади.

Миссия Ўзбекистоннинг расмий органларидан яқин ҳамкорлик ва масаладарни очик ва самарали муҳокама қилгани учун миннатдордир.

ҚИРҒИЗИСТОНДАН ВАҚТИНЧА КЎЧИБ КЕЛГАНЛАРГА ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-саҳифада)

Шу муносабат билан Ўзбекистон ҳукумати жабрланганлар учун мўлжалланган инсонпарварлик ёрдамининг қиймати 2445,7 миң долларга тенг қолган қисмини қўшни давлатга беришни таклиф этди.

Халқаро инсонпарварлик ёрдами йўналиши бўйича Ўзбекистонга жами 35 тонна дори-дармон кедаи ва улар беморлар ҳамда жароҳатланганлар эҳтиёжи учун тўлиқ ишлатилди. Мамлакатимизга келган 168,6 тонна озиқ-овқат маҳсулотларининг 91,8 тоннаси Қирғизистондан вақтинчалик кўчиб келганлар ўртасида тақсимланди, қолган 76,8 тоннаси Қирғизистонга жўнатишмоқда.

Донорлар томонидан юборилган ноозиқ-овқат товарлар (палаткалар, кўрпа-тўшаклар, идийш-товоқ, кани-

стрлар, генераторлар, кийим-кечаклар) 621,4 тоннани ташкил этди. Уларнинг 169,8 тоннасида вақтинчалик кўчиб келганлар лагерлари фаолияти давомида фойдаланилди. Ўзбекистон томони ушбу товарларнинг қолган 451,6 тоннасини Қирғизистонга топширади.

Умуман, Ўзбекистонга келган қиймати 3 926,6 миң долларлик инсонпарварлик юқларининг 1480,9 миң долларга тенг қисмида фойдаланилди. Юқлар оғирлар орқали ёки тўғридан-тўғри лагерларга етказиб берилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон қўшни мамлакатга БМТ ва Чегара бимас шифокорлар ташкилоти томонидан жўнатиладиган 70 тонна инсонпарварлик юқини транзит йўли билан етказиб бермоқда.

Андижон вилоятидаги "Дўстлик" чегара постанда Қирғизистонга инсонпарварлик ёрдами юқларини топшириш маросими бўлди. Тадбир қатнашчиларининг айримлари журналистлар билан суҳбатда ўз фикрларини билдирди.

БМТнинг Ўзбекистондаги вколатхонаси раҳбари Анита НИРОДИ: — Ўзбекистон раҳбариятининг тезкор ва самарали саяё-ҳаракатлари натижасида дунё аҳли Қирғизистон жанубида содир этилган фожиали воқеалардан жабрланганларга зудлик билан ёрдам кўрсатиш имкониятига эга бўлди. БМТ озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат ёрдамини тақдим этди.

Биз мамлакатимиз ҳукуматида самарали ҳамкорлиги, шунингдек, Ўзбекистон ҳудудидаги инсонпарварлик юқларининг қолган қисмини

Қирғизистонга жўнатишдаги кўрсатётган ёрдами учун миннатдоримиз. БМТ агентликлари ушбу инсонпарварлик ёрдамини эҳтиёжмандлар ўртасида тақсимлашни мувофиқлаштириб боради.

БМТнинг Қочқинлар иши бўйича Олий комиссари Антонио ГУТЕРРОС: — Биз Ўзбекистон ҳукуматининг оғир аҳволда қолган одамларга ёрдам бериш борасида кўрсатган қатъияти ва саяё-ҳаракатларини юксак қадрлаймиз.

Фожиали воқеалардан жабрланганлар ўз ватанига қайтиш ва ҳозир уларни имкон қадар қўллаб-қувватлаш фоят муҳимдир. Шу муносабат билан биз Ўзбекистон раҳбариятига инсонпарварлик юқларининг қолган қисмини Қирғизистонга топшири-

ни тезкорлик билан ташкил қилгани ва уларни қўшни мамлакатга етказиб беришда кўрсатётган ёрдами учун миннатдорлик изҳор этамиз.

Қирғизистонда келгусида бундай фожиали воқеалар такрорланмаслиги ва минтақада тинчлик, барқарорлик ҳукм суришига умид қиламиз.

БМТ Жаҳон озиқ-овқат дастурининг минтақавий директори Дали БЕЛГАСМИ: — Ўзбекистон томони кўрсатган ёрдам туфайли биз бугун Қирғизистон ҳудудида 100 тоннага яқин озиқ-овқатни қабул қилиб қўйиб, барқарорлик ҳукм суришига умид қиламиз.

БМТ Жаҳон озиқ-овқат дастуридаги ўшбу масканининг 8 та ётоқхона биноси, ошхонаси, тиббиёт пункти, 290 ўринли кинотеатри, катта ва кичик спорт майдончалари, 2 та чўмилиш бассейни, кутубхонаси, компьютер хонаси баҳорда корхона қурилиш-таъмирлаш цехи-

нинг уста-дурдорлари томонидан тўла таъмирдан чиқарилади.

— Оромгоҳимизда бу йил ёз мавсумида 1000 нафарга яқин болани дам олириш режалаштирилган, — дейди оромгоҳ раҳбари Зокиржон Умаров. — Болаларнинг кўнгилли дам олишлари учун барча зарур шарт-шароитларни амалга оширганмиз.

Эътиборлики, оромгоҳда ҳар куни қизиқарли учрашувлар, турли ўйинлар, адабий кечалар, спорт мусобақалари ташкил этилаётди.

М.МАҲМУДОВ.

Фармон ва ижро

РЕЗАВОР ЭКИНЛАРНИНГ ЯНГИ НАВЛАРИ

узуннинг хўраки навлари, олма ва нок, Бўстонликда ёнғоқ, бодом, pista, узум, Сурхондарёда ҳурмо, анор, анжир, лимон, маңдарин, лавр япроғи ва зайтун етиштиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Аҳоли ўртасида талаб ортиб бораётган резавор экин турларини кўпайтириш бора-бора илгиримизга боис хорижий давлатлардан келтирилган кулупнай ва қорағатнинг бир қатор навлари маҳаллийлаштирилиб, давлат реестрига киритилди. Резавор ўсимликлар хушбўйлиги, таркибидан инсон организми учун фойдали витамин ва минерал тузларининг кўпчилиги ҳамда шифобахш хусусиятлари билан ҳам қимматлидир. Улар организмда модда алмашинуви ва овқат ҳазм қилишни, юрак фаолиятини яхшилаб, қон айла-

даи об-ҳаво шароитига мослашувчан, касаллик ва зараркунандларга чидамли.

Айни кунларда Тошкент ва Фарғона вилояти туманларида мазкур навларни ўстириш борасида кенг қамровли ишлар олиб боришмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, агротехник қоидалар асосида парваришланган резавор мевали экинларнинг бир гектаридан ўртача 10-15 тонна ҳосил олиши мумкин.

Яратилажак резавор экинли даладар қишлоқларимиздаги янги хуудуларнинг янада кенгайишига, ҳар қарич ердан унумли фойдаланишга, аҳолини сифатли озиқ-овқат таъминлаш билан таъминлаш даражасини янада оширишга хизмат қилади.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири

Ўзбекистон хорижликлар нигоҳида

МАФТУНҚОР ШАҲАРНИНГ ХУШ МАНЗАРАСИ

< [1]


Ванг Хуан Жун (Хитой): — Ўзбекистон билан Хитой ўртасида ипакчилик бўйича тажриба алмашув яхши йўлга қўйилган. Шу боис «Самарқанд пилла уручили» масъулияти чекланган жамияти жамоаси билан ҳамкорликда фаолият юрита-ялман. Ўзбеклар ниҳоятда баррикенг, меҳнатсевар кишилар экан. Мени бағрига олишиб, меҳрибончилик кўрсатишмоқда.

Бугунги шаҳар мустақиллик йилларида қайта чирой очилди. Тарихий обидалари таъмирланиб, замонавий бинолар қурилди. Барпо этилган боғ-роғлар, хиёбонлар, гулзорлар ниҳоятда баланд дид билан қилинганки, бу ўзбекларнинг бетақдор метмор, бунёдкор эканидан дарак беради.

Марказий хиёбон шаҳарнинг кўрки. Бу ерни, айниқса, туңда сайр этсангиз сеҳрли оламга кириб қолгандек ҳис этасиз ўзингизни. Алишер Навоий номи билан ата-лувчи марказий истироҳат боғи, у билан ёнма-ён жойлашган Рудакий майдони ҳам баҳридангизни очади. «Буларнинг барчасига мустақиллик туғайлигига эришяпмиз», дейишдаи самарқандликлар.

Ҳа, мустақиллик бебаҳо неъматдир. У ўзбеклар учун бағоят қадри эканини ҳар қадамда ҳис этиш мумкин.

Дениз Бекер (Туркия): — Ўзбеклар ўзидор, бу-



недкор халқ сифатида дунёга машхур. Биргина Самарқандда минглаб алломалар яшаб ўтганлиги, ўзларидан бой мейор қолдиришганининг ўзиёқ фикримизни исботлайди. Ай-тишларича, шаҳарда бирор маҳалла йўқ эканки, у ерда ўнлаб буюк кишилар, даҳолар яшаб ўтмаган бўлсин. Бу эса, Самарқанднинг ҳар қаричи азиз, муқаддас, ҳар қанча эъзозга лойиқ эканини англатади.

Шаҳарнинг марказидаги энг гўзал ва хушманзара кўчаларидан бирига Туркиянинг асл фарзандларидан бирининг номи берилибди. Самарқанддек дунёга таниқли шаҳарда Ота Турк номидаги кўчанинг

мавжудлиги бизга фахр бағишлайди.

Жаҳонгир Амир Темурутанининг пойтахти бўлган шаҳар ўша замонларда қанчал олоб қилинган бўлса, бугунги кунда ҳам ўшанчалик қадрланмоқда. Замонавий иншоотларнинг қадимий обидалар билан бетақдор тарзда уйғунлашиб бораётгани хайратлидир. «Сибё» бозоридаги маъмурий, арзончилик бў юрт аҳлининг қандай яшаётганидан дарак беради.

Дунёни ўзига маҳлиё этиб турган шаҳар асло завоқ кўрмасин. У башарият муаки сифатида мангу яшаб қолсин.

Ўктам ҚҮРБОНОВ,
«Mahalla» мухбири.

Республикамиз маҳалларида Жамғарма республика бошқарувида

«Маҳалла» жамғармаси республика бошқарувининг навбатдаги йиғилишида Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаментининг 2010 йил 24 июндаги «Миллий маънавиятимизни юксалтириш, халқимиз турмуш тарзи ва менталитетимизга ёт бўлган ҳолатлар» олдани олиш бўйича чора-тадбирлар дастури» ижросини таъминлаш масаласи муҳокама этилди.

Шунингдек, ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш тадбирларини мувофиқлаштириш республика комиссиясининг 2009 йил 26 апрелда тасдиқланган дастури ижросини таъминлаш юзасидан амалга ошириладиган фуқаролар йиғинлари га услубий ва амалий ёрдамлар кўрсатиб бериш» бўйича жамғарма иш режасининг 24-банди ижросини таъминлаш мақсадида республика маҳаллаларидаги аҳолини «Mahalla» газетаси ходимлари билан ҳамкорликда ўрганиш, услубий, амалий ёрдамлар кўрсатиш зарурлиги айтилди.

Бошқарув йиғилишида бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Мухбиримиз.

Меҳр-мурувват кўрсатиб

Юртимизда ҳомийлар, тадбиркорлар, мутасадди ташкилотлар томонидан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилааларни қўллаб-қувватлаш, етимлар, ногиронлар ва қарияларга меҳр-мурувват ёрдамларини кўрсатиш анъанага айланган.

Яқинда Тошкент ви-

лояти Янгийўл шаҳридаги «Файзобод» маҳалласида яшовчи 112 ёшли онахон Аширбуви Гофурована «Маҳалла» жамғармасининг шаҳар бўлинмаси бошқаруви ташаббуси билан гилам ва бошқа эсдалик совғалари ҳада қилинди.

З.БОБОЖОНОВА.

Ёз — ўтмоқда соз

Фарғона вилояти Қобилбек қишлоғининг хушманзара ва сўлим, баҳаво гўшасида жойлашган «Кимёгар» болалар дам олиш оромгоҳи ўқувчиларнинг сеvimли ҳордиқ чикариш масканига айланган.

«Фарғонаазот» очик ҳиссадорлик жамияти тасарруфидagi ўшбу масканининг 8 та ётоқхона биноси, ошхонаси, тиббиёт пункти, 290 ўринли кинотеатри, катта ва кичик спорт майдончалари, 2 та чўмилиш бассейни, кутубхонаси, компьютер хонаси баҳорда корхона қурилиш-таъмирлаш цехи-

нинг уста-дурдорлари томонидан тўла таъмирдан чиқарилади.


— Оромгоҳимизда бу йил ёз мавсумида 1000 нафарга яқин болани дам олириш режалаштирилган, — дейди оромгоҳ раҳбари Зокиржон Умаров. — Болаларнинг кўнгилли дам олишлари учун барча зарур шарт-шароитларни амалга оширганмиз.

Эътиборлики, оромгоҳда ҳар куни қизиқарли учрашувлар, турли ўйинлар, адабий кечалар, спорт мусобақалари ташкил этилаётди.

М.МАҲМУДОВ.

(ЎЗА)

ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИМИЗ ИФОДАСИ



< [1]

Кўлаб ривожланган мамлакатларда ҳам иқтисодий тангмлик, хусусан, пул-кредит соҳасида катта йўқотишлар юз берган 2009 йилда Ўзбекистонда янги ички маҳсулот ҳажми 8,1 фоизга ўсди. Махсулотлар экспорти 2,4 фоиз кўпайди, бу ташқи савдонинг ижобий салдоси сезиларли даражада ошиши ва мамлакатимиз олтин-валюта захирасининг барқарор ўсишини таъминлади. Буларнинг барчаси мамлакатимизга глобал иқтисодийнинг ҳамол-катли таъсирини юмшатишда катта аҳамият касб этди.

Иқтисодий барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омил бўлиб хизмат қилаётган. Хусусан, иқтисодийнинг ислоҳ этишда ташқаридан қарз олишга эмас, ишлаб чиқариш, мамлакат экспорт салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилгани бугун ўзининг улкан натижаларини бермоқда. Ички бозорда ўзимизда ишлаб чиқарилган махсулотлар тобора кўпайиб бораётгани, истеъмол моллари билан нақд пулнинг мутаносиблиги таъминланаётгани бунинг ёрқин ифодасидир. Натигада сўмининг харид нархи ошмоқда.

Дунёдаги кўлаб етакчи экспертларнинг фикрича, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган бугунги шароитда банк-молия секторидagi ортиқча ликвидлик ва банк-молия секторини пул ресурслари билан тинимсиз тўлдирish молия ҳамда валюта бозорларига катта хавф солади. Пул эмиссияси ва ҳажмининг ошиши инфляция жараянларининг хавфли ҳолатларини келтириб чиқариши мумкин. Шу ўринда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури мамлакатимиз молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизимининг барқарор ҳамда узлуқсиз ишлашини таъминлашга хизмат қилаётганини қайд этиш жоиз.

Сўнги икки йилда ўртимиз тижорат банкларининг умумий капитал 2 баробар кўпайди. Банкларнинг капиталининг етарлилик даражаси 23 фондан ошгани ва бу банklar мониторинги билан шуғулланадиган халқаро Базель қўмитаси томонидан бел-

гиланган халқаро стандартлардан қарийб 3 баробар кўп экани эътиборлидир. Мамлакатимиз банкларининг умумий жорий ликвидлиги ташқи тўловлар бўйича жорий мажбуриятларидан 10 баробар кўплиги ҳам мазкур тизимнинг барқарорлигидан далолатдир.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан миллий валютани мустақамлаш мақсадида ишлаб чиқилган қатор дастурлар ички амалга оширилди. Ижтимоий соҳада, инфратузилма ва транспорт-коммуникация тармоқларида кенг кўламли лойиҳаларнинг ичкилик билан ҳаётга татбиқ этилиши янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини оширишга хизмат қилаётган. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, ўзимизда тайёрланган махсулотларга ички талабни рағбатлантириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар пул-кредит сиёсатининг ичкиликни, ички бозордаги истеъмол моллари билан нақд пул мутаносиблигини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда.

Пулмизнинг барқарор валюталардан бирига айланиб, тобора мустақамлашиб бораётганини халқаро молия муассасаларининг экспертлари ҳам алоҳида эътироф этмоқда. Хусусан, яқинда мамлакатимизда ўтказилган Осие тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлисида бу борада Ўзбекистон эришган ютуқларга юксак баҳо берилди.

Миллий валютани — сўм нухаси Халқаро валюта жамғармасининг Вашингтондаги бош қароргоҳида дунё-

даги барча пулар қаторида сақланади. Бу ҳар биримизга катта гурур ва ифтихор бағишлаши табиий. Жаҳондаги юзлаб пул бирликлари орасида албатта ўзимизнинг сўм алоҳида ажралиб, дилимизга яқин туради. Миллий пулимизни кўла олар эканми, қалбида гурур, она юртдан фахрланиш туйғуси жўш уради. Самарқанддаги Регистон майдони, Гўри Амир мақбараси, Бухородаги Чашмаи Айюб ансамбли каби тарихий обидалар, пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи давлат музейи, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри, «Истиқлол» санъат саройи, соҳибқирон бобомиз Амир Темурга ўрнатилган муаззам ҳайкал тасвири чўнқ маъно-маъмуни билан маънавий қувват бахш этади.

Миллий валютани ўзга мамлакатларда эмас, юртимизда чиқарилади. Бу ҳам мустақил давлатимиз салоҳиятининг яна бир ифодасидир.

Ҳа, мамлакатимиз мустақиллигининг муҳим рамзларидан бири бўлган миллий валютани юртимизда яшаётган ҳар бир инсон учун ифтихор тимсолдир. Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, миллий валюта кучли бўлган тақдирдагина иқтисодий ичкилик ривожланади. Юртимизда амалга оширилаётган ички ислоҳотлар самаралари, Ўзбекистоннинг бутун дунёда эътироф этилаётган барқарор иқтисодий юксалиши миллий валютани қудратининг ёрқин тасдиғидир.

Хусниддин БЕРДИЕВ, ЎзА шарҳловчиси.

Бўлим фаолиятдан

ЭЛИМИЗДАН ҚАДР-ҚИММАТ АРИМАСИН



Юртимизда инсон кадр-қиммати ҳамма нарсадан устун. Йиқилгани суяш, кўнгли яримни аяш, муҳтожга ёрдам қилини чўзиш, кўлаб-қувватлаш эзгу қадриятга айланган. Бугун қайси бир маҳаллага борманг, меҳр-оқибат, кадр-қимматни ҳис этасиз. Хизмат юзасидан хонадонларга кираман, маҳалла оқсоқоллари, ёшлар билан суҳбатлашаман. Шундай пайларда кимнингдир оғирини енгил қилиш, ногиронлар ҳолидан хабар олиш, қийналиб қолган оилага ёрдам бериш ҳақида гап очилади.

Кимгадир ёрдам бериш, кимнидир кўлаб-қувватлаб юбориш ҳақида сўз кетганда ҳамма бир овоздан маъқуллашни кўриб кўнглим тўлиб кетади. Шу йили 146 нафар кам таъминланган оиланинг ҳовий-жойлари ҳашар йўли билан таъмирлаб берилди. Туманимизда 46 та маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғини мавжуд. Баркамол авлод йилида ҳар бир оиланинг моддий аҳоли, имкониятлари таҳлил қилинди. Шунга қараб чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Қайси оиланинг нимага эҳтиёжи борлиги қараб ёрдам кўрсатилди. Бунда, албатта, туман ҳокимлиги ҳамда тадбиркорлар кўмагидан фойдаландик. Жорий йилнинг олти ойи ичида жамғаримиз ҳисобидан 3 та суннат ва 3 та никоҳ тўйи ўтказиб берилди. Шунингдек, те-левизор, музатгич, озик-овқат махсулотлари ва бошқа совға-саломлар ҳада этилди. 17 нафар кам таъминланган оилага 3 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Бир куни Қатагон қишлоғида яшовчи Зиёда Нурматов ва жамғаримизга мурожаат қилди. Турмуш ўртоғи вафот этгани, ўзи иккинчи гуруҳ ногирони экани, 3 нафар фарзанди борлиги, тўнғич қизи Зилола олий ўқув юртида тўлов-шартнома асосида ўқиётганини айтиб, ёрдам сўради. Зиёда Нурматовнинг шарт-шароитини ҳисобга олиб, талаба қизининг бир йиллик шартнома пулини тўла бердик. Шунингдек, Тошкент молия институтига таҳсил олаётган Хуршидбек Низомов учун ҳам институтга шартнома тўлов пулини ўтказиб бердик. Эртага улар олий даргоҳини тугатиб келишса, элимиз фаровонлиги учун хизмат қилишди-да.

«Чўмич» маҳалласида Ҳасан Эшпўлатов исми йигит яшайди. Ёш бўлса-да, бошига кўп савдолар тушиди. Отаси вафот этган, онаси эса кўндан буён бетеб. Шу боис, унга ўзини тиклаб олиши учун бир бош қорамол бердик. «Мустақиллик» маҳалласида истиқомат қилаётган Обувлар оиласига ҳам қорамол ҳада этдик.

Бу бир кам дунёда. Маҳаллаларимизда имконияти

чекланган болалар бор. Уларга бахтиёр болалик завқини ҳада этиш, ўзларини жамиятнинг фаол аъзосидек ҳис этишлари учун имконият яратиш мақсадида тадбир ташкил этишни режалаштирдик. Ногиронлар ўртасида расм чизиш бўйича кўрик-танлов ўтказдик. Унда 30 нафар имконияти чекланган бола иштирок этди. Голубларга ва барча катнашчиларга турли совға-саломлар улашилди.

Маълумки, чорвачиликни ривожлантириш, насдор молларни кўпайтириш, айниқса, аҳоли хонадонларига чорва молларини боқибдириш йўлга қўйиш, шу асосда аҳоли фаровонлигини таъминлашга ҳукуматимиз томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида арзон нарҳдаги ем-ҳашак савдо-сотинини йўлга қўйдик. Шунингдек, кам таъминланган оилаларга бепул ем-ҳашак тарқатдик. Жамғарма ва туман ҳокимлиги ҳисобидан 5 млн. сўм ажратилиб, хонадонларда боқилаётган қорамоллар сўнги уруғлантирилади.

Халқимизда ҳашар уюштириб, эҳтиёжманд кишиларнинг уйлари таъмирлаб бериш ёки қуриштириш ёрдам қилиш эзгу анъана. Ана шу гўзал удулар ҳар бир маҳалла ва қишлоқларда давом этиб келипти. Маҳалла фаолларининг ташаббуси билан 146 нафар кам таъминланган оилаларнинг уйлари таъмирлаб берилди. Исат қишлоғида истиқомат қилаётган Рўзимурод буваннинг бутун тилидан шукронаси тушмайди. Эртаю кеч замонамизни, ёшларни дуо қилиб яшапти. Ҳовийси анчадан буён қаровсиз ётган экан. Маҳалла ёшлари билан, ҳовийсини тартибга келтириб, уй-жойини таъмирлаб берилди.

Хуллас, бундай хайрли ишларни айтаверсак, адоғи йўқ. Энг муҳими, эзгу анъана ва қадриятларимиздан ёшларимиз ибрат олсин. Меҳр-оқибат, кадр-қиммат элимиздан аримасин.

Темур ШОНАЗАРОВ, «Маҳалла» жамғармасининг Яққабов тумани бўлимчиси бошқаруви раиси.

Дастур моҳияти САВОДХОНЛИКНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Жиззах вилояти хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашлари томонидан воҳадаги аёлларнинг саводхонлигини ошириш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган ҳамкорликдаги дастур ишлаб чиқилган. Айни чоғда вилоятда 1 миллион 200 мингга яқин аҳоли бўлса, уларнинг қарийб тенг ярмини хотин-қизлар ташкил этади.

Шунинг 36097 нафари ўсмир қиздир. 298 та тиббий муассасаси бўлган вилоятда 765 нафар шифокор аёл ишлаётир. 10232 нафар ўрта маълумотли тиббиёт ходимининг 9426 нафари аёллар. Ҳозир вилоятда 303 миң туғиш ёшидаги аёлни тиббий кўриқдан ўтказиш якунланмоқда.

Сўнги пайтларда вилоят ҳудудидаги барча ўқув муассасалари, давлат ва жамоат ташкилотларида ишлайдиган аёллар учун махсус ўқув курслари ташкил этилиб, машғулотлар режа асосида йўлга қўйилди. Биргина ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида олиб борилаётган машғулотларда 27 миңдан ортиқ аёл қатнашаётир. «Соғлом турмуш тарзини шакллантиришда аёлларнинг ўрни», «Соғлом она — соғлом бола», «Аёл — жамиятнинг гўлтоғи», «Ислом ва аёл» каби мавзулардаги ўқув-семинарлар, «Баҳор маликаси», «Гул сайли», «Энг сочи узун қиз», «Ўзбекистон аёллари» ҳамда «Миллий либосларимиз» мавзуларидаги кўрик-танловларнинг юқори савияда ўтаётгани ҳам аёлларга эътибор кучаяётганидан дарақдир.

Одамлар ҳаётига таҳдид солувчи, уларнинг эрк ва манфаатларини чегараловчи хижоат ва ноҳужа ҳолатларнинг олдини олиш нафақат ҳуқуқ-тартибот, балки меҳнат жамоалари ҳамда жамоатчиликнинг ҳам муҳим вазифаси ҳисобланади. Бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятини жидадий ташвишга солаётган одам савдоси масаласи оғриқли нуқта бўлиб турибди. Таҳлиллар шунки қармоққа қабил, айрим аёллар ва ёшлар бу хижоат кўрбони бўлишмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашни тўғрисида»ги қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Одам савдосига қарши курашни самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши мамлакатимизда одам савдосига қарши курашни жонгашишига туртки бўлди. Ҳозир шу йўналишда ички савдо юртилиб, ижобий натижаларга эришилди.

Мазкур ҳужжатлар ижросини таъминлаш юзасидан вилоятда аниқ ишлар қилинаётган. «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими, шаҳар ҳамда туман бўлимлари ҳамкорлигида тадбирлар режаси асосида олиб борилаётган ишлар бўлиб қолмоқда. Айни пайтда бу ерда қишлоқ кўлини қўриқ қувватига эга. Мазкур йиллик корхонанинг санот учун муҳим аҳамията моллик рақобатбардош махсулотларига ички ва ташқи бозорда талаб ортиб бормоқда.



Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан барпо этилган Кўнирот сода заводи йилига юз миң тонна қалыбланган сода ишлаб чиқариш қувватига эга. Мазкур йиллик корхонанинг санот учун муҳим аҳамията моллик рақобатбардош махсулотларига ички ва ташқи бозорда талаб ортиб бормоқда.

Марказий Осиеда ягона бўлган корхонада ўтган йили 76 миң тоннадан ошдиқ юқори сифатли қалыбланган сода тайёрланиб, 31 миң тоннага яқин махсулот экспорт қилинди.

Заводда замонавий технологияларни пухта эгалаётган ёш мутахассислар сифати кенгайиб бормоқда. Айни пайтда бу ерда 1200 нафардан зиёд ишчи-муҳандис меҳнат қилаётир. Уларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Корхона қўлида очилган Тошкент кимё-технология институтининг махсус сиртки бўлимида тажрибали кадрлар тайёрланмоқда.

СУРАТА: (чапдан) корхона усталари Пулат Қурбонбаев ва Қаллибек Сапаров. Арслон Канназаров (ЎзА) олган сурат.

АНЪАНАЛАРГА САДОҚАТ

Андижон шаҳридаги «Қаландархона» маҳалласи фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи меҳнатга лаёқатли, лекин ишсиз юрган ёшлар шу куни мебелсоз уста Бахтиёржон Исломов хонадонига таклиф этилдилар. Улар бундан тўрт йил аввал шогирд бўлиб юрган, бугунги кунда эса эл таниган мебелсоз уста бўлиб етишган Бахтиёржоннинг иш фаолияти билан танишдилар.

— Маиший хизмат коллежида ўқиб юрганмидаёқ машхур мебелсоз уста Неъматулло Норматовга шогирд тушган эдим, — дея хижоат қилади Бахтиёржон. — Коллежни тамомлагандан кейин ота-онамга мебелсозлик билан шуғулланиш ниятим борлигини айтдим. Устозим мени Тошкентга — хоржий технология асосида мебель ишлаб чиқарувчи корхонага иш ўргангани юборди. Қайтиб келганимдан кейин ота-онам зарур дастоҳларни сотиб олишга ёрдам берилди. Мана, уч йилдирки, ўзим мустақил ишлаяпман. Биланларимни қизикқан ёшларга ўргатайман.

Ҳақиқатан, Бахтиёржон ва унинг шогирдлари тайёрлаган яшаш хонаси учун мўлжалланган мебеллар тўлаими машхур чет эл фирмалари ишлаб чиқарган махсулотлардан асло қолмайди. Беш предметдан иборат «девор» таркибда идиш-товуқ, телевизор учун, китоблар териладиган шаҳфалар, кийим-бошлар сақланадиган шифонерлар бор. Бу хўснок мебеллар тўлаими ҳар қандай уйга фойза кўр бахш эти олади.

Йиғилганлар орасидан ўнга яқин ёшлар Бахтиёржонга шогирд тулиши истагини билдиришди. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Нўрможон Ёқубов, шаҳар бандликка кўмаклашиш марказининг вакили Насибхон Қамбаров бу ерда «Устоз-шогирд» йўналиши бўйича мебелсозлар тайёрлаш гуруҳини очишга кўмаклашишга ваъда бердилар. Шу куни маҳалладаги ўн нафар ёш ўзларига маъқул машғулот топдилар. Бунинг учун мебелсоз устага бандлик маркази томонидан маош ҳам берилди.

— Маҳалламизда етмишга яқин тадбиркор, миллий хунармандчилик вакиллари бор, — дейди маҳалла оқсоқоли Н.Ёқубов. — Дўшпидўз Мубораххон Хакимова ўнга яқин қизга ўз хунарини ўргатмоқда. Мебелсоз уста Садриддин Абдурахмоновнинг ҳам бешта шогирди бор. Бундан ташқари, қаңдолатчи, махсудўзга, зилта пардалари устасига, ноивойларга ҳам қизқувчи ёшлардан бириктирилган. Эндиликда юздан зиёд ёш аждодлар оша бизга етиб келган



2011—2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарорини катта мамнуният билан қутиб олдилар. Чунки қарорга биноан, маҳалла ҳудудидаги Чўлпон номидаги истирода ҳат боғини реконструкция қилишга маблағ ажратилди. Бунга жавобан ёшлар ўз маҳаллаларини яна ҳам кўркам, обод ва фойдали қилишга астойдил бел боғладилар.

У.САКОНБОВ, «Маҳалла» мухбири.

СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА

Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги «Оёқчи» маҳалласи фуқаролар йиғинида «Соғлом она — соғлом бола» мавзусида семинар ўтказилди.

Туман ҳокимилиги ва «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими бошқаруви ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда маҳалла қишлоқ фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масаллари бўйича маслаҳатчилари, шифокорлар, фаоллар иштирок этишти.

Тадбирда сўзга чиққанлар Президентимизнинг аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний баркамол авлодни вояга етказиш бўйича қабул қилинган қарорлари ижроси ҳақида гапирди. Шунингдек, саломатлик борасида аҳоли ўртасида амалда оширилаётган хайри ишларда маҳалла маслаҳатчиларининг ўрни алоҳида экани таъкидлаб ўтилди.

Семинарда «Минжир» қишлоқ врачлик пункти бош шифокори Амир Очиллов жорий йил 6 ойи давомида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати бўйича маҳалла фаолларга ҳисобот берди.

А.ҚОДИРОВА

Обод кўча эгалари

ФАЙЗЛИ ВА КЎРКАМ

Косонсойдаги Тергачи қишлоғи одамларининг меҳнатқашлиғи, тупроғининг ҳосилдорлиги билан эл оғзига тушган. Қишлоқ номининг бутун Наманганга танилишида яна бир жиҳат бор: аҳолиси озодликни, покзалликни севадиги. Бу ердаги қайси маҳаллага, кўчага кирсангиз йўл ва хонадонлар олдидаги тартибни, тозалликни кўриб дилингиз яйрайди.

— Бу бизда ҳар бир маҳалланинг, кўчанинг ўз эгаси борлиги ва бу масъулиятни ишга муносиб одамлар бириктирилганидан далолат, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини котиби Мухторжон Умаров. — Айниқса, қишлоғимиз марказида жойлашган «Сойбўйи» маҳалласидаги ишларни барчага ўрнатиб қилиб кўрсатамиш. Маҳалла худудидан Косонсой-Тўрақўрғон йўли ўтган. Сойбўйи, деб номланган ана шу кўчада 60 та хўжаликнинг тураржой бинолари, 2 та умумий овқатланиш шохобчаси, қишлоқ врачлик пункти, 2 та дорихона, 2 та дўкон ҳамда автомобилларга ёқилги қўйиш шохобчаси, Тергачи дехқон бозори жойлашган. Қарийб 2 километр узунликдаги кўчада эрта баҳорда ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилган эди. Асфальт йўл таъмирланиб, унинг икки четига 1800 тупдан ортқ сара гул кўчатлари, 300 туп арча, 1000 тупдан зиёд мевали ҳамда манзарали ниҳоллар ўтказилди. Уларнинг барчасига ўша худуддаги хонадон ёки хизмат кўрсатувчи шохобча эгаларини масъул қилиб бириктирилган. Шунинг учун эккан гул кўчатлари ва ниҳолларимиз униб-ўсаяпти.

Четида жойлашган турли шохобча ва хизмат кўрсатиш объектларининг барчаси тоғ саҳардан кечга қадар озода, сувлар сепилган, сариштали ҳудудга туради. Кўча бошларининг ташаббуси билан йўл четидоғи барча уй ва деворлар бир хил рангга бўяб чиқилди. Натижада маҳалла чиройига чирой қўшилди. Қишлоқ фуқаролар йиғини котиби «Сойбўйи» маҳалласидаги яна бир кўча — Олмасор кўчаси бошларини Тохиржон Олимов ҳақида ҳам илқ фикрлар айтди: — Тохиржон ака «Косонсой пахта толаси» ҳиссадорлик жамиятида муҳандис бўлиб ишлайди. Бундан 10 йил муқаддам кўча бошларини эгиб сайлаганимиз. Шундан буён маҳалладояшларининг, кўни-қўшнларининг ишончини оқлаб, Олмасорни қишлоғимиздаги намунали кўчалардан бирига айлантирди. Бу кўчада 74 та хонадон бор. Уларнинг бари аҳил-иноқ истиқомат қилинмоқда. Тохиржон ака ўзи яшайдиган кўчада тартиб-интизомни таъминлаш, худудда жиноятчиликнинг олдини олиш, хусусан, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслиги каби тадбирларнинг барчасига бош-қош бўлиб келаяпти.

Умуман, Тергачи қишлоғида олтига маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, уларда жами 28 нафар кўча бошларини фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг бари қишлоқда, ўзи яшайдиган кўчада хурмат-эътибор қозонган, одамлар сўзини тинглайдиган инсонлар. Шу боис, маҳалла, қишлоқ аҳли тинч, осуда ҳаёт кечирмоқда.

Жамшид БЕК, «Mahalla» мухбири.

Хар маҳаллада ҳар юмуш

ИШБИЛАРМОНЛИК ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

Бугун Бекобод тумани Бекобод қишлоқ фуқаролар йиғини худудидида истиқомат қилувчи аҳолининг бирор юмуш билан туман марказига боришига ҳожат қолмади. Чунки қишлоқ гузарига яратилган қулай шарт-шароит туфайли фуқароларнинг узоққа юришига зарурати йўқ.

Бундан ташқари, йиғин худудидида 5 та мактаб, 3 та боғча, битта маданият уйи, кутубхона, савдо дўконлари, сартарошхона, гўзаллик, тўй либослари салонлари, отахонларнинг дам олиш чойхонаси, ҚВП, милиция таянч пункти, пахта тозалаш цехи, 4 та тегирмон ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари туну кун аҳолига сифатли хизмат кўрсатаётди.

— Авваллари, ёғоч, цемент, шифер каби қурилиш материалларини ортиқча харажат сарфлаб, бозордан ёки бошқа худудлардан олиб келардик, — дейди Карим бобо. — Ҳозир эса Азимжон Мусаев, Мурод Ҳамидов каби тадбиркорларнинг ташаббуси билан иккита қурилиш материаллари дўкони ишга тушди. Бу дўконлардан миҳдан тортиб, эшик, дераза ромларигача топиш мумкин. Қувонарли томони шундаки, уларнинг кўриб бозорикидан қиммат эмас.

Худудда истиқомат қилаётган аҳолининг кўпчилиги дехқончилик билан шуғулланади. Ҳар бир хонадон соҳиби бир йилда камида 4-5 турдаги мева-сабзавотни еттиштириб, бозорга олиб чиқади. Бундан хонадонлар қўшимча даромадга эга бўлиб, аҳоли турмуши фаровонлиги ошаётди.

— Худудимиздаги 3 мингга яқин оилада 12600 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади, — дейди Бекобод

қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Хўжаназар Орзиқулов. — Уларни бириктириш, ҳашар ишларига жалб қилиш деярли муаммо туғдирмайди. Сабаби, ҳар доим ташаббус фуқароларнинг ўзидан чиқади. Яқинда ёнимга фуқароларимиздан Анваржон Балиев келиб, уйи ёнидан эркаклар учун сартарошхона очмоқчилигини айтиб қолди. Анчадан буён ўйлаб юрган режамни унинг оғзидан эшитиб, тўғри-си, хурсанд бўлдим. Йиғин фаоллари билан тезда унга амалий ёрдам беришга киришдик. Аслида, сартарошхона ҳар бир маҳаллада, ҳатто овулларда ҳам бор. Лекин айнан «Қўқони» маҳалласининг марказида бу хизмат нуқтаси йўқлиги мени ташвишга солиб турганди. Хуллас, ҳозир ҳашар йўли билан қуриб битказилган эркаклар сартарошхонаси аҳолига намунали хизмат кўрсатаётди.

Эътиборисис, кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар доимо диққат-эътиборда. Ҳар бир тадбиркорга биттадан ёрдамга муҳтож оила бириктирилган. Ойда икки марта уларнинг хонадонидан хабар олиниб, керакли ёрдам кўрсатилади.

— Қишлоғимизда спортга ҳам алоҳида эътибор қаратганмиз, — дейди йиғин котиби Алексей Эргашев. — 2008 йили маҳаллалараро ўтказилган «Фут-

болимиз келажги» турнирида республикада иккинчи ўринни олдик.

Алексей ака билан суҳбатимиз чоғида, унинг қўл телефони жиринглаб қолди.

— Узр, бугун ушбу турнирнинг навбатдаги босқичи бўлаётганда, — деди йиғин котиби. Бироздан сўнг Алексей аканинг юзига табассум югурди. Телефонни қўзғатди: «Вилоят босқичига чиқибмиз», деди мамнун қиёфада. Ёнимга ўтирган посбон Мирзахмад Абдукаримов, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Ойсара Қурбонова ҳам бу хабардан хурсанд бўлишди.

— Насиб қилса, бу йил биринчилиكنи қўлга киритамиз, — деди ғурурланиб Алексей ака.

— Бу ҳақи ҳаммаси эмас. Куни кеча шахмат бўйича мусобақа ўтказдик, — деди оқсоқол суҳбатимизга қўшилиб. — Белашувда Расул Жавоқов фойиб-ликни қўлга киритиб, қимматбахо совға билан тақдирланди. Қолган иштирокчилар ҳам йиғин фаоллари ҳамда тадбиркорлар томонидан рағбатлантирилди.

Оқсоқолнинг айтишича, ҳозир мактаб ҳамда мактабгача таълим муассасаларида ободонлаштириш ва таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Ёзда тупроқ, қишда лой бўладиган кўчаларга шағал тўшалаётган экан.

Бугун бекободликларнинг ишбилармонлиги, меҳнатсеварлиги боис қишлоқ янада ободонлашиб, бораётди.

Нигора ИМОННАЗАРОВА, «Mahalla» мухбири.

Маҳалла маркази

БАРЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР МУҲАЙЁ

Қибрай туманидаги Янги-обод қишлоқ фуқаролар йиғини Тошкент вилоятидаги энг йирик, намунали йиғинлардан бири. Худудда амалга оширилган ҳар бир хайрли юмуш ушшоқлик ва ҳамжиҳатликка адо этилаётгани боис, ишда самарадорликка эришиб келинапти. Маҳалла маркази мажмуаси маҳалла фаоллари сый-ҳаракатлари билан тўла таъмирланди. Шу боис, гузар йилдан-йилга ўзгача қиёфа касб этиб бораётди.

— Марказда барча қулайликлар яратилган, — дейди йиғин раиси Аваз Ибрагимов. — Бу ерда турли учрашувлар, тадбирлар мунтазам ўтказиб келинапти. Мажмуадаги барча хоналар зарур вақтларни, ўқув-қўлланмалар, адабиётлар, тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан таъминланган. Йиғин раисининг айтишича, бу ерда туман бандаликка



кўмаклаштиш марказининг жойлашгани аҳоли, айниқса, ёшларни иш билан таъминлашда қўл келаяпти. Бундан ташқари, марказда фаолият олиб бораётган солиқ инспекцияси, ҳарбий ҳисоб рўйхати хоналари аҳолига қўшимча қулайлик яратмоқда.

Эътиборисис, жонқуяр фаоллар келгусида гузар қошида ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни касб-хўнарага ўргатиш мақсадида тилқу ҳечини ташкил этишни режалаштиришмоқда.

Мухбиримиз.

Оқсоқолнинг бир кўни

ИШЛАГАНГА ИМЖОН ЯРАТИБ

— Мумкинми? Эшиқдан кириб келган ёш йигитнинг бу саволи қорозга мукка тушганча нималарнидур ёзаётган Абдулла аканинг хаёлини бўлди. У ўрнидан туриб кириб келган йигитга пешвоз чиқди.

— Келинг, Раҳимбой. — Абдулла ака, гузаримиз анча кенгайиб қолди. Дурдоголик устахонаси ва тикувчилик цехи очсам, дегандим. Шунга кредит олоқчиман. Маҳалладан кафолат хати сўрашяпти. — Яхши ўйлабсиз. Ҳозир ёзиб бераман. Абдулла ака хатни ёзди-да, имзолаб, муҳр босгач, Раҳимбойнинг қўлига тутқазди. — Қишлоғимиздаги иккита умумтаълим мактабидида таълим олаётган ўғил болалар шу кунларда дурдоголикни, қизларимиз тикувчиликни ўрганишяпти. Ажабмас, сиз оцадиган устахоналарга ҳам ёшларимизда қизиқиш ортса. — Раис бува, ният ҳам шу-да. Улар хайрлашгач, Абдулла ака яна ишини давом эттирди. Абдулла аканинг ташаббуси билан қишлоқда кичик биз-

несни ривожлантириш орқали аҳолини иш билан таъминлашга жиддий аҳамият берилмоқда. Фуқаролар йиғини худудидида ёшларга хунармандик ва касибликни ўргатиш бўйича «Бир устага ўн шогирд» ҳаракати қизғин давом этапти. Худуддаги 3 та сартарошхона, 2 та пойабзал таъмирлаш устахонаси, 11 та савдо дўкони ва 2 та умумий овқатланиш тармоғида ёшлар шогирдлик-ка тушиб, касб-хўнарали бўлишмоқда.

Абдулла Холматовнинг Сирдарё вилояти Гулистон туманидаги Олтинтепа қишлоқ фуқаролар йиғини раиси бўлиб ишлайётганига салкам ўн уч йил бўлиб қолди. Бу даврда Абдулла ака ўзининг самарали меҳнати, одамларга меҳр-қўйиб ва самимийлиги ҳамда ҳаётий тажрибаси билан қишлоқ ҳамда туман аҳолининг ҳурмат-эътиборини қозонди.

Бугунги кунда фуқаролар йиғинлари мутасаддилари ички ишлар ходимлари, профилактика инспекторлари, маҳалла фаоллари иштирокда ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчиликнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилаётди.

Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги «Тузар» маҳалласи мутасаддилари ҳамда йиғин ҳузурдаги ёшлар ва вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси аъзолари томонидан аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида диний экстремизм ва унинг олдини олишга қаратилган тадбирлар тез-тез ўтказиб турилади.

— Ёшларни турли зарарли оқимлар таъсиридан, шунингдек, гетхевандлик, ичкиликбозлик каби иллатлардан асраш, уларни азалий урф-одат, аёнана ва қадриятларимиз руҳида камол топтиришга қаратилган ишларни янада жонлантириш мақсадида ҳуқуқ-тартибни идоралари вакиллари, милиция таянч пункти ходимлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган, — деди йи-

Комиссиялар фаолияти

ҲАМКОРЛИК ЮҚОРИ НАТИЖАЛАР БЕРМОҚДА

Шу раис Ш.Умарова. — Улар ҳамкорлигида хонадон эгалари, ёшлар билан яккама-якка тушунтириш ишлари йўлга қўйилгани боис, бу борада яхши натижаларга эришилди. Айни пайтда ёшлар орасида жиноят содир этманлар йўқ.

Дарҳақиқат, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси сардори А.Қосимов, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиси Ҳ.Бобоқолонова тадбирлар таъсирчанлигини кучайтириш, қолаверса, ёшларнинг ҳуқуқий маданияти ва савоҳонлигини оширишга астойдил кўмаклашяпти.

— Халқимизда: «Бир болага етти маҳалла ота-она», деган ибратали нақд бор, — дейди маҳалла маслаҳатчиси Ҳ.Бобоқолонова. — Шу боис, маҳаллада ҳеч бир бола назоратсиз қўлмаслиги лозим. Негаки, кўп ҳолларда ёшлар ота-онаси ишда бўлган пайтларда уйда ёлғиз қолшади. Айни шу пайтда улар ўзлари хоҳлаган машғулоти билан машғул бўлишлари мумкин. Шунинг учун ёшларнинг

ҳар қадаминини назорат қилишимиз керак.

Бу борада гузарлик фаоллар, айниқса, ёшлар ва вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси аъзолари ташаббуси билан ўқувчиларнинг дарсдан ташқари бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун алоҳида режа ишлаб чиқилгани диққатга сазовордир. Режага асосан, ўқувчи-ёшлар умумтаълим мактабларида ташкил этилган ўқув-машғулотирига жалб этилаётди. Қувонарлиси, йиғин қошидаги касб-хўнара ўргатишга ихтисослашган турли тўғарақлар доимо ёшлар билан гап-гап.

Маҳмуд ОТАБОЕВА

Жамғарма жонқуярлари

ИДОРАНИНГ МАСЪУЛИЯТЛИ ОДАМИ

Анджон вилоятида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари ходимлари Исоқжон Исмоилов ўзларининг устозлари, деб биландилар. Асли касби журналист бўлган И.Исмоилов, мана, салкам йигирма йилки, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлимида ташаббус кўрсатиб меҳнат қилиб келмоқда.

— Исоқжон ака бўлимизимизда энг тажрибали, устоз даражасига кўтарилган, юксак масъулиятли ходимларимиздан, — дейди жамғарма вилоят бўлими раиси Икромиддин Валеев. — У ҳар бир топширилган ишга масъулият билан ёндашиб, унинг муддатига муваффақиятли бажарилишини таъминлайди. Бундай фазилатни туман ва шаҳар бўлимларида ишлайдиган ҳамкасбларига ҳам сингдиришга ҳаракат қилади.

Асакада жамғарма туман бўлимасининг раҳбари тез-тез алмашадиган бўлиб қолди. Бу, албатта, бўлимга фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам вилоят бўлими бошқаруви Исоқжон Исмоиловни Асакага, туман ҳокимлиги билан баъмасхафат, бўлимга раислигига муносиб кишини танлаш учун юборди. Туман раҳбарлари билан учрашув пайтида Исоқжон бугун жамғарманинг туман бўлимаси раҳбарлигида

билимдон, ташаббускор кишилар кераклигини айтди. Туман ҳокими ўзи мўъжлага олиб юрган 3-4 номзоднинг фамилияларини кўрсатди. Исоқжон уларнинг иш фаолияти, таржамаси ҳоли билан қизиқди, уларни танган одамлар билан учрашди. Ҳар бир номзод билан алоҳида-алоҳида суҳбатлашди. Шундан кейингина улардан бирини жамғарманинг туман бўлимаси раҳбарлигига тавсия қилди.

Ҳаётнинг ўзи раҳбарнинг тўғри танланганлигини тасдиқлади. Ёшлар таълимотида узоқ йиллар ишлаб катта тажриба орттирган, кейинчалик туман ҳокимлигида меҳнат қилган Шукрулло Аҳмадов бўлимга фаолиятидаги камчиликларини бағрафарф этиш билан биргаликда, уни вилоятдаги илғорлар қаторига олиб чиқишга ҳам ҳаракат қилмоқда. Туман бўлимаси фаолиятининг айрим қирралари бошқарлага ўрганиш учун тавсия қилинди. — Туман бўлимининг ил-

ролар қаторидан ўрин олишда Исоқжон Исмоиловнинг катта ҳиссаси бор, — дейди бўлимга раиси Ш.Аҳмадов. — Чунки у киши ҳар бир масалада бизга ёрдам беради. Қийналиб қолган кезларимда доимо устоз ёрдамига тушди ва унга торпавий мурожаат қилдим. У киши эса ҳар доим ақолиб бир бағрикенглик, хитрийлик билан маслаҳат беради. Ўзинимизда шундай ўзининг фидойисис бўлган ходимлар борлигидан ҳақли равишда фахрланамиз.

Дарҳақиқат, вилоятдаги 862 та маҳалла фуқаролар йиғини, шаҳар ва туман бўлимларида вилоят бўлимининг масъул котиби Исоқжон Исмоиловни кўчак очиб кутиб оладилар. Чунки у борган жойида Президентимиз Фармонлари ва республика ҳукумати қарорларининг изчил амалга оширилиши, юқори ташкилотлардан келган кўрсатмаларни ҳаётга таъбиқ қилиш бўйича аниқ фикрлар айтди, зарур бўлса, услубий ва амалий ёрдам кўрсатди. Масъул котиб сифатида жойларда ташкил этиладиган кўргазмалар семинарлари, ўқувлар ва бошқа тадбирларни тайёрлаш ва ўтказишда фаол иштирок этади.

Узоқбой САҚСОМБОВ, «Mahalla» мухбири.

қолишади. Бирин-бирдан оёдо, бири-бирдан саранжом-саринта, даромади юқори бўлган хонадонлар ичидан зўрғин аниқлашнинг ўзи бўладими?! — Абдулла Холматов ишончасига қайтиб, худуддаги 3 та маҳалла раисини, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларни, «Маҳалла» посбони» жамоат тузилмаси сардорларини тўшлаб, уларга тегишли топшириқлар берди. Маслаҳатчи опахонларга оила-лар билан танишиш, хонадонларда фарзандларнинг таълим олишлари учун яратилган шароитларини ўрганиш лозимлигини тайинлади, посбонга қишлоқда тунги навбатчиликни кучайтириш, кўча бўйларидида тун отагача суҳбатлашиб ўтирадиган ёшларни тартибга солиш бўйича иш олиб боришни буюрди. Бу топшириқларнинг ижросини назорат қилишни маҳаллалар раисларига юкляб, ўзи туман ҳокимлиги сари отлади.

Тошғўлат ҲАЙИТБОВ, «Mahalla» мухбири.

Қарор ва ижро

ТАДБИРЛАР САМАРА БЕРМОҚДА



Аҳоли саломатлиги, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш мамлакатимизда устувор вазифалардан бирига айланган. Президентимизнинг 2009 йил 1 июлдаги «2009 — 2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустақамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни воёга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чоратadbirlari Дастури тўғрисида»ги қарори қабул қилинган, бу борада бажарилаётган ишлар янада жадаллашди.

Ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида «Маҳалла» жамғармасининг Бухоро вилояти бўлими бошқаруви томонидан аҳоли, айниқса, хотин-қизлар саломатлигини мустақамлаш ва никоҳдан ўтувчи ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, соғлом болалар туғилиши масалалари юзасидан кенг қамровли ишлар олиб берилаётган. Биринчи навбатда, қарорнинг мазмун-моҳиятини тушунириш мақсадида маҳаллалардаги диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, қишлоқ врачлик пунктлари мудирилари, тез tibбий ёрдам ходимлари, оқсоқоллар, имом-хатиблар, отиноийлар иштирокида ҳар бир туманда семинар ва йиғилишлар ўтказиш режаси ишлаб чиқилган эди. Режага мувофиқ аҳоли ўртасида tibбий маданиятни шакллантириш, оила муқаддаслигини сақлаб қолишга қаратилган масалалар юзасидан вилоятдаги 120 та қишлоқ, 426 та маҳалла, 2 та шаҳарча фуқаролар йиғинларида тарғибот ва ташвиқот ишлари ташкил этилган.

Жумладан, фуқаролар йиғинларида ташкил этилган мутахассислардан иборат тарғибот гуруҳлари томонидан аҳоли репродуктив саломатлигини мустақамлаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида tibбий маданиятни ошириш масалаларига оид 1440 дан

ортиқ давра суҳбати ва уchrashувлар ўтказилди. Бундан ташқари, барча тумандаги фуқаролар йиғинларидаги маслаҳатчиларнинг ҳар 5 кунда қарор ижроси бўйича амалга оширилган ишлари муҳофаза қилиниб, ҳисоботлар тингланмоқда. Муҳокамаларда Шифиркон, Қоровулбозор, Ромитан туманлари маҳаллаларида ишлар самарали олиб борилаётгани таъкидланди.

— Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, tibбий кўриқнинг аҳамияти ва tibбий кўриқдан ўтмасдан турмуш қуриш ҳолатларининг салбий оқибатлари тўғрисида соҳа мутахассислари билан биргаликда ҳар бир туманда «Турмуш қуришга тайёрмисиз?», «Оила — муқаддас даргоҳ», «Тиббий кўриқнинг аҳамияти» мавзуларида режага мувофиқ давомий тадбирлар ташкил этилди, — дейди «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви бош мутахассиси Каромат Мақсудова. — Бу тадбирлар ва давра суҳбатлари ёшларнинг қизиқиши катта. Улар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб топишмоқда.

Вилоятнинг Пешку тумани аҳолиси 103415 нафарни ташкил этади. Тумандаги 36 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига 25 та ҚВП ва 1 та Марказий поликлиника хизмат кўрсатади. Аҳолининг 53264 нафари аёллар бўлиб, улардан 27550 нафари туғиш ёшида. Тиббиёт ходимлари ва жамғармачилар кенгашилари томонидан туғиш ёшидаги аёлларнинг саломатлигини мустақамлаш бўйича шу кунгача 19814 нафар аёл tibбий кўриқдан ўтказилиб, шундан 2578 нафаридан турли хил экстрагенитал касалликлар аниқланди. Уларнинг аксарияти амбулатор ва стационар шароитларда соғомлаштирилди.

Соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда спортнинг аҳамияти катта. Шу мақсадда вилоятнинг Ғиждувон, Шифиркон, Жондор, Ромитан, Қоровулбозор, Қорақўл, Олот туманларидаги спорт мажмуаларида «Соғлом оила — юрт келажаги», «Спорт — соғлиқ гарови», деб номланган турли спорт мусобақалари ўтказиб келинмоқда. Бу аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, юртимиз келажаги ҳисобланган ёшларнинг баркамол ва соғлом бўлиб воёга етишларини таъминлашга хизмат қилади.

Гўзал НОРЧАЕВА,
«Mahalla» мухбири.

Эй, сиз одамлар, эсиз одамлар...

ИЛЛАТНИНГ ИЛДИЗИ БЕКОРЧИЛИҚДА

Мухтор Сурхондарёдан Тошкентга иш излаб келди. Аслида туғилиб ўсган қишлоғида ҳақдорчилик қилса, бирор хунарга қўл урса ҳам кунни ўтарди. Лекин давру даврон суриб яшашга иштиёқи балинд Мухтор пойтахтда омади чопишига ишонарди. Иш топиш эса, у ўйлаганчалик осон бўлмади. Танг ҳолатга тушиб қолганидан сикилган Мухтор аламини ичкиликдан олди, бундан вақтини улфатлари Самад, Йўлдош, Карим билан ўтказарди.

Уша кун ҳам улфатларига телефон қилди. Улар иш тополмай уйда бекор ўтиришган экан.

— Бирор кафедра ўтирайлик, маслаҳатчи гап бор. Агар рози бўлсанлар, сизларни ҳар доимги жойда кутиб олам, — дея Мухтор телефонни қўйди.

Шаҳар четига кафеда йиғилишгач, Мухтор гап бошлади:

— Бу аҳволда яшаш жонга тегиш. Шаҳарда ошғири олачи бўлиб юрганлар қанча. Бирор нарса иш бўлса кам бўлиб қолмайди. Хонадон эгалари уйда бўлган тақдирда ҳам бу «иш»нинг урдасидан чиқимизга ишонаман. Бошланғичга оддийроқ хонадон тошган маъқул. Сўнгра натижасига қараб кейингиларига режа тузимиз. Шунда чўнтак ҳам пулга тўлади.

Бу гаплардан ҳеч ким ажабланмади, аксинча, турли таклифлар билдириди.

— Менда яхши бир таклиф бор,

— гапини давом эттирдди Мухтор. — Ҳозир севган қизим билан муносабатим яхшимас. Орани очиб қилишга тўғри келяпти. Бунинг устига уйда ёлғиз ўзи яшайди. Қўлга иланидиган нарсаларини олиб, «айрилик қилиш»ни чалиб келишимизми?

Бу таклиф барчага маъқул келди. 2008 йил 6 ноябрь кечки соат тўққиз яримларда Яқкасарой тумани Мухимий кўчасидаги 34-хонадонда ижарада яшовчи Сожида Бозорованинг эшик кўнғироғи чалинди. Ўзини қўшиши, деб таништирган Каримга эшик очилмади. Чунки Сожида бу ерга кўчиб келганига узок вақт бўлмагани сабабли кўчи-қўшиларини яхши танимасди. Орандан бироз вақт ўтгач, иккинчи бор кўнғироқ чалинганда яна шу аҳвол такрорланди. Учинчи бор Мухторнинг ўзи эшик тутмасини босди. «Ким?», деган саволга: «Мен маҳалла профилактика инспектори, сизда муҳим ишимиз бор», деб жавоб берди у.

Сожида эшикни очиб иш билан, тўрт барзани йигит унга ташланганиди. Бу кутилмаган босқинчиликдан эсанкираб қолган С.Бозорова бақирини ҳам улгурмади. Ўзинга келганида рўпарасида Мухтор турар, мўмай даромад топиш илмида келганлар эса уйни талон-тарож қилиш билан воқоа эди. Иккита Nokia телефон апарати, 100 минг сўм пул ҳамда қимматбаҳо тақинчоқ ва буюмларини олган йигитлар зум ўтмай жуфтаникни ростлашди.

Уша кунги Мухторнинг пичоқ ўқтилиб айтган гаплари Сожиданинг қулоғи остидан кетмасди: «Агар ҳабар қилгудек бўлсанг, бу уйдан фақат ўлинг чикади, қишлоқдаги ота-онангни ўйла. Сенинг дарднинг қуйиб, орқандан ўзларини ҳам равона бўлишди. Хоҳсанг бу ишда ўзимиз уларга ёрдам бериб юборамиз». Одамнинг оласи ичиди бўларкан. Чунки бундан икки йил олдин Мухтор билан танишганида, у бутунлай бошқа одам эди. Мехрибонлик қилишдан зарчасмасди. Ушанда Сожида унинг муқаддам судланганини эшитганида, қилмишига пушаймон бўлиб тўғри йўлга кирганлар қанча, дея ўзини овутирган. Мухтор акам ҳам ана шундайлар хилдан, деб ўйлаганди. Лекин...

Босқинчилар кетганидан сўнг Сожида Мухторнинг тўғри йўлга кирганини тушунди. Бу воқеани шундай қолдирмаслик мақсадида телефон рақамини тера бошлади: «Алло, бу милициями?»...

Олиб бориладган тезкор қидирув натижасида жиноятчилар қўлга олинди. Сожида Бозорова, Озода Нишоновна, Муқаддас Исмомлоевларнинг берган гувоҳликлари ҳамда уша кунги ИИБда навбатчилик қилган Х.Уринбоевнинг берган кўрсатмалари ўз тасдиғини топди. Йўлдош Саломовнинг ёнидан топиладган Nokia русумли телефон апарати эса ашёвий далил сифатида қўрсатилди. Қилимиш-қидиримиш, деганларидек, 2009 йил март ойида бўлиб ўтган суд ҳукмига биноан, айбланувчилар муносив жазоларини олинди.

Тўғри, жиноятни содир этганлар ўз қилмишларига яраша жазосини олинди. Аммо ўз вақтида бу ёшлар ота-она, қўни-қўшни, қолаверса, маҳалла-қўй томонидан назоратга олиниб, тергаб турилганда, ноҳўя қадам қўйишдан оғоҳлантирилганда эди, улар бундай оқибати хунук ишга қўл урмаган бўлармиди?...

Ноҳир АКБАРОВ,
Жиноят ишлари бўйича Яқкасарой туман суди судьяси.

Бугуннинг мавзуси

ИЛМГА ИСТАК БЎЛСА БАС, ШАРОИТ ТЎҲИС

Эрталаб ишга жўнаётганимда қўшни маҳалладаги дўстларимдан бири келиб қолди. Мақсадини эшитиб, ниҳоятда хурсанд бўлдим:

— Хабаринг бор, ўзим мактабни битириб, бирор жойда ўқиганим йўқ. Умрим далада ўтати. Фарзандларимни ўқитиш ниятиданман. Қизим бу йил 9-синфни битирди. Шаҳардаги бирорта академик лицейда ўқиса, кейин институтга кирса, деган ниятданман. Ўзим ўқимаганим учун йўл-йўриқни билмайман. Қизимнинг олдига уялиб қолмай, мен билан бирга бориб, ҳужжатларини топширишда ёрдамлашиб юборсанг, дўстим.

Синфдошимнинг илтимосини рад этолмай, бирга ҳужжат топширганим бордик. Қабул комиссияси олдидан навбатни, ўқиб истагидигилар кўпчилигини кўриб хайратландик. Наҳотки, лицейга шунча талабдор бўлса, деган савол билан комиссия хайратига мурожаат қилдим. Айтишларича, нафақат лицей, балки коллежларда ҳам қабул комиссиясининг қўли-қўлига темайётган экан.

— Айниқса, педагогика, тиббиёт, ҳуқуқшунослик каби йўналишлардаги касб-хунар коллежларига ҳужжат топшираётганлар жуда кўп, — дейди Наманган вилояти ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлигининг маънавий-маърифий ишлар бўлибча ўринбосари Хайрулло Нишонов. — Бугунги кунда вилоятдаги мавжуд 106 та коллеж, 11 та акаде-

мик лицейда умумтаълим мактаблари битирувчиларини таълимнинг навбатдаги босқичига тўлиқ қамраб олиш ҳаракати бормоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, 9-синф битирувчилари ҳали ўқув йили якунланмасдан туриб, вилоятдаги барча ўрта махсус таълим муассасалари ҳақида етарлича маълумотга эга бўлдилар. Айниқса, «оила-маҳалла-мактаб» ҳамкорлигида битирувчилар бир неча бор ўз ҳудудларидаги, вилоят марказидаги коллеж ва лицейлар билан танишдилар. Маҳаллаларда шу мавзуга бағишланган ўйлаб-учрашувлар, оммавий тадбирлар ўтказилди.

— Хусусан, май ойида Наманган шаҳрининг Машраб номидаги истироҳат бондида ташкил этилган «Мутахассислик — сенинг келажагинг» акцияси яхши самара берди, — дея суҳбатни давом эттирди Хайрулло Нишонов. — Унда вилоятдаги барча коллеж ҳамда лицейлар ўз фаолиятлари ҳақида ярамқа ташкил этишди. Маҳаллий ҳокимликлар, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, таълим тизими ҳамкорлигида барча битирувчилар ярамқага уюшқоқлик билан олиб келиниб, уларга ўрта махсус таълим тизими ҳақида етарлича тушунча берилди. Худди шундай тадбир барча туманлар марказларида ҳам ташкил этилди. Натижада мактаб битирувчилари ўқув йили якунланмасдан туриб, таълимни қаерда давом эттириш ҳақида ўйлаб олдилар. Шу боис, қабул жараёнида қийинчиликлар бўлмапти.



Вилоятдаги коллежларни айланиб, «Қабул комиссияси» фаолияти билан танишар эканмиз, иш тартибли ташкил этилганлигига шохид бўлдик. Ҳар бир коллежда абитуриентлар учун ҳам, ота-оналар учун ҳам барча шароитлар яратилган.

Яна бир жиҳати, маҳаллаларда ҳам оқсоқоллар, маслаҳатчилар ва фаолларнинг кўмаги билан ҳар бир битирувчининг келгуси режаси ҳақида суриштирилиб, ёшларни касб-хунарга йўллаш, ота-оналар масъулиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

— Бизнинг ҳудудимизда 5 та мактаб, 2 та коллеж бор, — дейди Қосонсой туманидаги Қуқумбой қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдулҳафиз Умаров. — Ҳар бир маҳалла раиси, маслаҳатчилар билан гуруҳ тузиб, битирувчилар қайси коллежларга киратганининг ҳисобини олдиқ. Қиш-

логимиз ёшларини биринчи гада ўз ҳудудимиздаги коллежларга жалб этишимиз. Чунки, коллежларимиз ўта долзарб, талаб кучли бўлган соҳаларга ихтисослашган. Биттиси маиший хизмат, иккинчиси қишлоқ хўжалиги йўналишида мутахассислар тайёрлайди. Туманимиз аграр туман эканлиги, аҳолига маиший ва сервис хизмати кўрсатиш кун сайин ривожланаётгани боис ҳар икки коллежда иам олишга талабдорлар кўп.

Умуман, жорий йилда вилоятдаги умумтаълим мактабларининг 9-синфини битираётган 52 минг 109 нафар ўғил-қизнинг барчаси коллеж ва лицейларда ўқийгани давом эттирилади. Таълим даргоҳидигилар эса битта сўзни кўп такрорлашди: иам олишга истак бўлса бас, бизда барча шароитлар муҳайё.

Жамшид БЕК,
«Mahalla» мухбири.

Менинг маҳаллам

ТИНИБ-ТИНЧИМАГАН... АЁЛЛАР

Қиз бола палахмон тоши, деб бежиз айтишмас экан. Тақдир тақозоси билан туғилган қишлоғимдан олсида умргузаронлик қилганман. Бирок болалик хотиралари, тупроқ кўчалар, бири-биридан содда, камтарин қишлоқдошларим меҳрини унутиб бўларканми?! Айниқса, она-жонимнинг тандирда ёлган қайноққина патир ноилари кўз олдимга келаверди.

Онамнинг қизиқ одади бор. Нон ёпаётганда кўринган қўшини, «қой қўшни келинг, иссиқ нон еймиз», деб чойга таклиф қилади. Агар қўшини келомаса битта иссиқ нонни қўлимизга тутқизиб, уйига жўнатарди.

Қўшни аёллар ҳам бири-биридан яхши, уларга қараб ҳавасим келарди. Йиғилишиб меҳмонга боришса ҳам бекор ўтириш йўқ. Бири олиб келган пахтасининг чигитини айиради, бири тўн тикади, яна бири кўрпа қавийди. Иши бўлмагани эса бошқаларга кўмаклашарди. Энг асосийси, ойнали жаҳонда кўрсатиладган, радиога айтилган, газеталарда ёзилган хабарларини шу даврада эшитасиз. Қанчалар ҳамжиҳат, қанчалар зукко ва ақлираса аёллар! Иш-ишнинг дўндиришда, гапни-гап бўлганда ҳам бировга тегиб кетмайдинг, бировнинг кўнгли оғирмайдиган, ғийбат ва ҳасаддан узоқ гаплар. Уларнинг гап-сўзлари содда, ишлари эса пишқиқ. Маҳалламизда тўй-маърака бўладими, қиз узатиш, ўғил уйлантириши, барчасида шу қўшнилари олиб-югуриб жон куйдиришди. Ҳар қандай ташвишда ҳам, яхши кунда ҳам уларнинг беиннат ёрдами юракка мадор бўлади. Бу тиниб-тинчимас қўшиллар Қашқадарё вилоятининг Миришкор туманидаги «Ўзбекис-

тон» маҳалласида истикомат қилишарди.

— Маҳалламиз хотин-қизларига ўзгача ғайрат, шижоатни кўриб тўққиланаман, — дейди маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Милоҳат Аминова. — Ёшларку майли, момолар ҳам тиниб-тинчимайди. Улар ўзлари билган қадимий қўшиқ ва ларларни ёшларга ўргатиб, миллий қадриятларимиз бардавонлигига ҳисса қўшаётганларидан мамнун. Онахонлар таклифи билан «Ҳилол» номи хотин-қизлар дастасини тузганимиз. Бу гуруҳ иштирокчилари қадимий, миллий қўшиқ ва ларларини ўрганиб, маҳалламиздаги тўй-маъракада, байрам тадбирларида ҳам кўриқ-танловларда ижро этиб келишмоқда. Бу гуруҳда қиза-қизлардан тортиб, кекса онахонларгача барчаси — сангати шинавадаси. Маҳалла хотин-қизлари биргина сангата эмас, спортда ҳам ҳеч қимдан

кам эмасликларини кўрсатишга аҳд қилишган.

Яқинда ўтказилган спорт мусобақаларида Милоҳат Аминова бошчилигидаги волейболчи аёллар гуруҳи тумандаги 20 дан зиёд маҳаллалар орасида фахрли 3-ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

Ҳар сафар қишлоққа борганимда бувижоним Шодмоний аянинг дуоларини олам. Уларнинг кўпчилигига ўрнатилган фазилятлари бисёр. Табиатан шўх, хуш-фезъ, гапга чечан бувижоним етмиш ёшда бўлса-да, атрофдаги етти келиннинг ҳеч бирига иш қолдирмайди. Чаққонликда мана ман, деган қизни ортда қолдириб, ҳали-ҳалигача тандирда нон пишириб, сипир соғишни ҳеч қимга ишонмайди.

— Энди кексайдингиз, роҳат қилиб дам оладиган пайтингиз, келинлар хизматини қилсин, — дейман.

— Бекор ўтирсам зерикиб, касал бўлиб қоламан, — дейди бувим.

Ана шундай бизнинг қишлоқ аёллари. Улар вақтларини фойдаланган сарфлашни маъқул кўришади, бекорчиликдан уялишади. Оилавий хотиржамлик, хонадонлардаги кўт-барақа боисини шундан.

Қадимда қишлоқ ҳудуди чангалзор бўлгани боис бу ер одамлар ов қиладиган жой бўлган экан. Ҳозир 3 та маҳаллаи жамланган қишлоқнинг номи Миришкор, деб аталади. Бу ушбу манзида қўним топан инсонларнинг меҳнат-севарлигини, ерининг ҳақиқий миришқори эканликларини аниқлатади. Миришқорга йўналиш тушса, бу ерининг одамлари самимийлигини, меҳрлари бисёр эканини ўзингиз кўрасиз. Шу боис қаерда бўлмай қишлоғимни соғинаман. Меҳрибон маҳалладошларимни кўрсайман. Баҳорнинг эрка шаббодасида, ёзининг тароватли нафасида ҳар дам, ҳар лаҳзада улар томон боргим келарди.

Г.БАХТИЁРОВА.

«Mahalla» жавоб беради

ФАРЗАНДА АСРАМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ...

САВОЛ: — Мен бола асраб олмоқчимман. Шу сабабли «Меҳрибонлик уйи»га мурожаат қилиш ниятиданман. Бу ишни қонун доирасида қандай амалга оширсам бўлади?

АБЕКМУРОДОВ,
Тошкент вилояти.

ЖАВОБ: — Оила кодексининг 151-моддасида болани фарзандликка олиш шахсларнинг ариза-сига кўра, туман, шаҳар ҳокими қарори билан амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Фарзандликка олиш болани тарбиялаш мақсадида қаратилган, шунинг учун, бундай усул фақат воёга етмаган (18 ёшга тўлмаган) болаларга тағбиқ этилади. Ўн ёшга тўлган болани фарзандликка олиш унинг розилиги билан амалга оширилади. Боланинг розилиги васийлик ва ҳомийлик органи томонидан аниқланади. Агар бола фарзандликка олувчиларнинг оиласида тарбияланаётган бўлса ва уларни ўз ота-онаси, деб эътироф этса, фарзандликка олиш боланинг розилигисиз амалга оширилиши мумкин. Ота-она болани фарзандликка олинишига розилигини ёзма шаклда баён этиши керак.



Ҳужжатларни расмийлаштириш учун ФХДЭ органига фарзандликка олиш ҳақида ҳоким қарори ва фарзандликка олинувчининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, болани ўз қарамлигига олиётган фуқароларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари тақдим этилади.

Болани оила тарбиясига олишни истаган шахслар, аввало, ўзлари яшайдиган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органига рўйхатга олишларини сўраб ариза берадилар. Аризага қўйиладиган ҳужжатлар илова қилиниши керак:

— иш жойидан вазифаси ва маоши миқдори кўрсатилган маълумотнома ёки тегишли тартибда тасдиқланган даромадлари ҳақида декларация нусхаси;

— агар турмуш қурган бўлса, никоҳ гувоҳномаси нусхаси;

— болани тарбияга олишни истаган шахш ва унинг оила аъзолари соғлиғи ҳақида tibбий маълумотнома.

Васийлик ва ҳомийлик органлари тегишли текширишлар ўтказиб, болаларни тарбияга олишни истаган шахсини рўйхатга олади. Шундан сўнг фуқаро келмишдан ҳолда бола танлайди. У боланинг ўзи ва ҳужжатлари, жумладан, соғлиғи ҳақидаги маълумотлар билан танишиши мумкин.

Савад МАҚСУДОВА,
ҳуқуқшунос.

НИКОХ — ЭЗГУЛИКЛАР МУҚАДДИМАСИ



сингиллар ўртасида, шунингдек, фарзандликка олинувчилар ўртасидаги никоҳ қайда этилмаслиги кўрсатиб ўтилган.

Шу сабабли, оила мустақамлиги, келин-куёвнинг бахти, туғилмак зурриётларнинг соғлом бўлишини ўйлаб, никоҳ одидан келин-куёвни тиббий кўриқдан ўтказиш жорий этилган. Бу тадбир, айримлар ўйлаганидек, ортиқча ташвиш эмас. Чунки ҳар бир ота-она фарзандини не умидлар билан вояга етказди, бахтли бўлишини истади. Икки томон тиббий кўриқдан ўтгандан сўнг никоҳ тузишга руҳсат бериладиги, бу оила мустақамлигини таъминловчи, соғлом фарзанд ўстиришга қаратилган муҳим тадбирлардан биридир.

«Шодлик» никоҳ уйда бутунга қадар 134 минг 145 нафар йигит-қиз никоҳдан ўтишган. Йигитларнинг гўзал, вафодор, солиҳ ва ширинсўз, ҳаёли рафиқага рўбарў бўлганидан, қизларнинг эса мард, меҳнаткаш, оила-си ҳақида қайғурдиган, хушмуомала ва ғайратли йигитлар билан никоҳ риштаниси болаётган бахтиёр даламарида ёнидан бўганидан севиниб кетаман. Бу йигит-қизлар биз берган кўрсатмаларни бажариб, унга амал қилиб келишди, албатта.

Ҳафтанинг ҳар пайшанба куни шаҳар ФХД бўлими ва никоҳ уйида, тўғридан тўғри никоҳ қилиш учун ариза берган ёш келин-куёвлар ўртасида «Ёш оила мактаби» ўқув курси ташкил қилинган. Бу курсни тугатган ёшлар йил охирида сертификат олишди.

Бундан ташқари, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари билан келишган ҳолда, ёш оилалар ҳамда турмуш қуриш ёшидаги қизлар билан ҳам давра суҳбатлари уюштирилади. Тадбирда мутахассислар, ибратли оилалар аъзолари, маҳалла фаоллари иштирок этишди. Бўлажак оналарга керакли масlahатлар берилади, йўл-йўриқ кўрсатилади. Лекин шунга қарамай, айрим ёшлар ўз билганларидан қолмай ёки оилада ҳуқуқий саводхонлик етарли даражада эмаслигидан қонуний никоҳдан ўтмай, шайри никоҳ орқали турмуш қуришмоқда. Чунки улар қонуний никоҳ афзалликларидан беҳабар. Бирор муаммо туғилганда эса улар ўз ҳақ-ҳуққини талаб қила оlishмайди. Ҳаёт эса мураккаб, турмуш тасодифларидан холи эмас. Умуман, расмий никоҳнинг афзаллиги ҳам шунданки, бунда аёл ва эркакнинг тенг ҳуқуқлилиги тўлиқ таъминланади.

Кузатилаётган яна бир ноҳус ҳолат қизларни эрта турмушга узатиш билан боғлиқ. Улар ё коллежда, ё лицейда ўқийётган бўлишлари қарамай, турмушга узатилади. Шу сабабли, улар ҳам ўқиб, ҳам рўзгор юмуши билан ўралашиб қолиб, соғамига эътибор қаратишмайди. Бундан ташқари, бу ёшда улар ҳали турмуш, оила, рўзгор, деган тушунчаларни тўлиқ англаб етишмайди. Натижада қайнама-келин, қайинсингил-келин, қолаверса, икки ёш ўртасида ҳам ҳар хил тушунмовчиликлар, келишмовчиликлар юзага келади.

Мухтасар қилиб айтганда, оиланинг ҳуқуқий пойдевори — бу никоҳ, Зеро, бошидан яхши ниятлар билан тўғри тузилган никоҳ барча эзгуликларнинг муқаддимасидир.

Гўла Усмонова,
ОнуСОБОБ туманидаги
«Шодлик» никоҳ уйи раҳбари.

— Мен унаштирилган йигит амакимнинг ўғли бўлади, — дейди ФХДга ариза бергани келган қиз йиғламсираб. — Биз акасингилдек катта бўлдик. Энди қаршиликмизга қарамай, ота-оналаримиз бизни унаштиришди. Суннат акам ҳам бу никоҳга қарши. Узингиз биласиз, ўзбек миллатида ота-онанинг раъйига қарши бориш одобсизлик саналади.

Лекин маҳалламизда бўладиган тушунтириш ишларида ҳам, матбуотда ҳам қариношлар орасидаги никоҳга кўп тўхталиб ўтишган. Аммо ҳамма тушунб турган ҳолатни нима учун ота-оналаримиз тушунганини хоҳлашмайди, деган савол мени қийнайди.

Бу қизнинг гапларини эшитиб ўйга толаман. Маҳаллааримизда олиб боришган тушунтириш ишларида ақин

қариношлар ўртасидаги никоҳнинг келажак авлод саломатлигига жиддий ҳавф солиши ҳақида тушунчалар бермайсиз. Шунга қарамай, баъзи ота-оналар бундай гапларга парво қилмай, тўғридан тўғри никоҳ қилишди. Оила кодексининг 16-моддасида ҳам насл-насаб шажараси бўйича тўғридан-тўғри тутилган қариношлар ўртасида, турилган ва ўтай ака-укалар билан опа-

Орамиздаги одамлар

ИБРАТЛИ УМР

Умр оқар дарё, деганлари ҳақ гап экан. Мен ҳикоя қилмоқчи бўлганим, Чиноз туманининг фазли аёлларидан бири Танзила Оллаберганава бутунги кунда 70 ёшга тўлибди. Шу ёшда ҳам саъй-ҳаракатда ғайрат-шижоат барқ уриб турган, хушқаҳчақ бу аёл кўплар учун ҳамон опа, устоз саналади...

Танзила опанинг асли мутахассислиги журналист. 1962 йили Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини битириб, илк фаолиятини ўзи туғилган ўстан Хоразм воҳасида «Хоразм ҳақиқати» вилоят газетасида бошлаган.

Қиз бола палаҳмон тоши, дейдилар. Тақдир тақозосига талабалик йилларидаги бегубор муҳаббат ришталари тўғрисида Танзила опа 1966 йилдан 1969 йилгача Сирдарё вилоятидаги Сирдарё тумани газетасида бўлим мудири бўлиб ишлади.

Иш жараёнидаги қобилияти, интилиши, ҳар бир масалага масъулият билан ёндашиши боис Сирдарё туманида раҳбарлик лавозимларида хизмат қилди. Кейинчалик Чиноз туманида фаолиятини давом эттирди. Танзила опа кўп йиллар раҳбарлик лавозимларида сидқидидан меҳнат қилди. Жумладан, Чиноз шаҳри Илҳом Шарипов номидаги маҳалла фуқаролар йиғинини бошқарди. Опа маҳалла раисаман, дея кабинетда ўтиришни хуш кўрмас, маҳалланинг ҳар бир кўчасида нечта хонадон бору, улардан қанчаси ижтимоий химояга муҳтожлигини яхши билар, қисқаси, маҳалла аҳлининг турмуш тарзидан огоҳ эди. Айниқса, ажралиш арафасида турган ёш оилаларни жиғлаштиришга, айрим ёшларни ноҳўй хатти-ҳаракатдан сақлаб қолишда ўзидан куч топа оиди. Ҳамон айрим маҳаллаошлар опанинг хонадонига масlahат олгани келиб туришди.

Чинозда опанинг қайноқ меҳридан баҳраманда инсонлар талайгина. Опанинг юрган йўлларида ҳавас қилиб, илгари одимлаётганлар қанча. Орамизда бостан изларини яшатиб, ортидан яхши ном қолдириб келатган Танзила Оллаберганава сингари инсонлар кўпчилиги қалбимизга таскин, юратимизга ғурур бағишлайди.

Ҳабиба ШЕРОВА,
Республикада хизмат кўрсатган журналист.

Ижодий сафар

ГАЗЕТХОНЛАР ҲУЗУРИДА

Одамлар орасида бўлиш, уларнинг ўй-фикрларини тинглаш, жойларда амалга оширилаётган улкан ободонлаштириш ишлари билан танишиш кишига ўзгача кайфият бағишлайди.

Мамакатимиз маҳаллаларида амалга оширилаётган ўзгаришлар, бунёдкорликлар билан яқиндан танишиш мақсадида «Маҳалла» жамғармаси республика бошқарувининг 2010 йилги режаси асосида «Mahalla» газетаси таҳририятининг бир гуруҳ журналистлари Навоий вилоятида ижодий сафарда бўлишди.

Вилоятнинг Кармана, Навбахор, Қониқ, Нурота туманларида ўтган учрашувларда мамакатимизга амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари тўғрисида айтилган ҳаёжонли дил сўзлари, маҳалларни ободонлаштириш,



қизиқтирди. Уларнинг тақлифлари келгусида таҳририятга иш режаларимизни тузишда асқотади, албатта. Энг муҳими, жойларда аҳолининг тақлиф ва истақлари билан изчил шуғулланаётган маҳалла оқсоқоллари, масlahатчилар, котиблар, посбонлар юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг на-

фақат иштирокчиси, балки унинг бевосита ижодкори сифатида ўзларини намоян эттишмоқда. Маҳаллааримизнинг кўркамлиги, фаровон ҳаётга эришиш йўлида қиланайтган ишлар, соғлом турмуш тарзининг кенг ёйилиб бораётгани бунинг исботи дир.

Тўқтай РЎЗИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Раҳмонли отадан эрта етим қолди. Ўн икки ёшиданок рўзгор тебратилган онасига кўмаклаша бошлади. Касалхонада фаррош бўлиб ишлаётган онасини қувонтиришни истар, укаларини овутиб, йиғилмасликка ҳаракат қиларди. Уй тозалаш, кир ювиш, овқат пишириш, сигирга қараш, ўт ўриш, оғилхонани тозалаш унинг кундалик юмуши эди.

СИЗ СУЯНЧИМ, МЕҲРИБОНИМСИЗ...

Отаси вафотидан сўнг онасининг: «Ўғлим, сен энди уйимизнинг сунъч тоғисан. Укаларингга раҳмқўри қилиш бурчин эканини унутма!», деган гапларини бир умрга қулоғига қуйиб олди.

Ўқишга интилиши кучли бўлса-да, Раҳмонли институтга киришни орзу қилмади. «Худо хоҳласа, укам ва синглимни ўқитаман, уларнинг ўқигани — менинг ўқиганим эмасми?!», Шундай ўй-хаёллар унга таскин берар, кечани кеча, кундузи кундуз демай меҳнат қиларди. Тумандаги пахта тозалаш заводиданги иши масъумий бўлгани учун томоқсиздан унумли фойдаланишга, қўшимча ери олиб, экин экишга зўр берди. Ҳовли бурчагида илгари битта рамақдон сиғир устунга таяниб турадиган бўлса, айни пайда тўртта новосемизликдан зўрға оёқ босади...

Вақт дегани тутқич бермай ўтавераркан, бир пасда укалари ҳам кап-катта бўлишди. Укаси ва синглиси ўқишга кир-

риш керак, аниқроғи, мактабда ўқитишни бўлиб иш бошлаган синглисининг узатса бўлгани.

— Синглинг ўзга хонадонга борганида тили қисқиб бўлмасин. Шундоғам қизим шўрлик ота меҳридан бенабос, кўнгли ярим бўлиб ўсди. Сарпо-сурғини яхши қилайлик, болам.

Раҳмонли ҳамма гапни маъқуллади. Тўғри-да, ой деса ойдек синглиси бор. У албатта бахтли бўлиши керак! Сал ўтмай синглисини маҳалладаги яхши бир онанинг фарзандига унаштиришди.

Синглисининг сарполарини кўрган қилишини ҳаваси келди. Тилла буюмлар масаласида сал қийинчалик туғилганда, унинг ҳам иложи топилди. Хотини Донохоннинг зирази ва узугини олишди. «Сенга бундан зўрини олиб бераман», деди у хафа бўлганини сездирмасликка уринаётган хотинига. Донохон ҳам доно аёлда, ҳаммасига тушунди...

Тўйдан сўнг эр-хотин яна меҳнатга зўр беришди. Донохон қайинсинглисига бешиқ

Турмуш чорраҳаларида

ҒАРОЙИБ ТАҚДИР

Ҳафиза ишдан шошиб келди. У бугун дугонаси Нафисани кўргани бормоқчи. Апил-тапил тайёрлаган сомсадан болаларига кўпроқ қолдираркан, барибир кечроқ келаман, оч қолишмасин, деб ўйлади. Ҳа, икки дугона бир учрашса, ҳеч гаплари адо бўлмасди.

Уйдан чиққан Ҳафиза йўл-йўлакка дугонаси ҳақида ўйлаб кетди... Нафисани Жаҳонгир эмас, унинг ота-онаси ёқтириб келин қилишди. Йигитнинг унча кўнгли йўқ эдию, Нафисанинг одоб-ахлоқи, мулоим гап-сўзи, қўлигу чеварлиги ва пазандалигини кўриб, унга муносабати ўзгара бошлади. Улар жуда аҳил бўлиб кетишди, аммо йиллар ўтса-да фарзандли бўлишмади. Қайната-қайнама ҳам ёлғизгина ўғилдан зурриёт кута-кута оламини тарк этишди.

Кейинги пайтларда дугоналар илгариники ҳуш-ҳандон, очи-улар ҳали турмуш, оила, рўзгор, деган тушунчаларни тўлиқ англаб етишмайди. Натижада қайнама-келин, қайинсингил-келин, қолаверса, икки ёш ўртасида ҳам ҳар хил тушунмовчиликлар, келишмовчиликлар юзага келади.

Мухтасар қилиб айтганда, оиланинг ҳуқуқий пойдевори — бу никоҳ, Зеро, бошидан яхши ниятлар билан тўғри тузилган никоҳ барча эзгуликларнинг муқаддимасидир.

Ҳафиза уни ҳам қувонч, ҳам қандайдир хавотир билан қаршилади. — Ярим кеча бола йиғисидан уйбониб кетдик. Ташқарига чиқсак, шундоққина ётоқхонамиз деразасининг тағида йўрғакланган чақалоқ етибди. Қайсидаир тошбағир уни ташлаб кетди. Ҳўжайиним билан ҳам хурсанд бўламиз, ҳам ҳайрон. Ўғил бола экан... Дугонажон, кимлардир тирноққа зор, кимлардир эса... Ҳай, майми, дилмиз шод бўлди, дея боламизга Дилшод деб исм қўйдик. Аммо қайнопам...

Қайнопаси шаддоқ Сафаргул анчадан бери тумас келинни ҳайдаб, укасини уйлантириш тадоригида юрарди. Укаси ажралишни истамагач, жало отилинган, укамни бир бола қилиб қўйгансан, отанинг чиройини ўчирмоқчимсан, дея кунда-кунора келиб келин шўрликни юмтатаиб кетарди. Бола воқеасидан кейин эса Сафаргул кутуриб кетди. «Биронинг ташландиғини бола қилиш ор қилмайдиган укасини, ношуду нотаовон келиннинг ҳақоратларга кўмиб ташлади.

— Кеча келиб: «Болани эр-талабгача йўқотмасанг, ўзинг ҳам бу уйдан даф бўл», деб кетди. Ҳозир келиб қолса керак, — деди Нафиса эшикка қўрқа-писа қараб. Ҳафиза дугонасига раҳ-

ми келиб бир-икки оғиз гапирмоқчи эди, гапи оғзида қолиди. Ташқаридан бақир-чақир эшитилиб, уйга Сафаргул отилиб кириб кетди. Нафиса бешикка ётишди. Сафаргул оғзига келган ҳар қандай ҳақоратли сўзларни ишлатарди.

— Оғзингизга қараб гапиринг, — деди Ҳафиза ортиқ чидамасди. — Сизнинг бор қизингиз, ўғилнинг бор. Уларнинг эртаси қандай бўлишини қаердан биласиз?

Сафаргул унга ўқрайди: — Болааримнинг ташвишини қилма! Мен икки дунёда ҳам ташламайдик, ота-онасининг таълими йўқ болани ота-онанинг умиди уйига қўймайман!

Уша кўни Нафисани ҳайдаб юборишди. Кўп ўтмай Жаҳонгирни яна уйлантиришди. Уч йилдан сўнг оила курган Нафисани ёши анча катта бўлган турмуш ўртоғи жуда ҳурмат қилар, Дилшоддан ҳам меҳрини аямасди. Бир йил ўтиб, Нафиса эгизак қизалоқни бўлди. Олдинги турмушдан ҳам қиз кўрмаган болажон эрининг қувончи чексиз эди. Жаҳонгир учинчи марта уйланди-да хануз бефарзанд. Айниқса, сўнги келин жуда ўткир чиқди. Ҳатто «ҳамма иша бурнини тикверадиган» Сафаргулнинг қадамини кесди. Эргаштириб келган аранда қизини эса еру кўкка ишонмас, «ҳамма айб Жаҳонгирда» эканига икки гапнинг бирда шатама қиларди...

Ҳафиза дугонасининг уйига яқинлашганда ичкаридан бир аёл чиқди. Узун қўйлак кийиб, рўмол ўраб олган бу аёлни Ҳафиза танимади. Аёлчи кўзига чикқан Нафиса беҳолани дарвозага суяниб, нотаниш аёлнинг изидан қараб қолди. «Беҳоранинг тоби йўқ, шекилли», деб хаёл қилган Ҳафиза қадамини тезлатди.

Дарвозага суянганча тошдай қотиб қолган Нафиса дугонасининг овозидан ўзинга келди. Унинг кўзлари қизариб, қовоқлари шпилган эди. Нафиса ўзини қувонч тутишга уриниб Ҳафизани уйга бошлади.

— Болааринг кўринмайди? — гап болаиб Ҳафиза.

— Мактабга кетишсан. Фотима-Зухролар ҳам бу йил биринчи синфда ўқийоти, — куйиб жавоб берди Нафиса. Уни

уларнинг ёнини оласиз? Фарзандларини тенг кўринг-да! Она уларга гап тушуштиролмади. Иш баттар чигаллашиб ука ва келин уй-жойни ўзлариники қилиб олиш учун судга ариза беришди. Она эса маҳалла-қўй олмада уялиб кўчага чиқолмай қолди.

Суд белгиланган кун ҳам етиб келди. Суд қарорига кўра, ҳовлининг тенг ярмига эга бўлиб олган Султонали бамайлихотир уялиб бошлади. Раҳмонли эса энди аввалгидан ҳам кўп тер тўқитиб. Ахир, бир ёкда болалари бўй етиб турибди, ҳовли-жой кўш келин олишга анча торик қилган. Тез-тез мазаси қочиб қолаётган онасини яхши сийхаттоҳларда дам олдирмоқчи. Кўёвнинг ҳам топиш-тутиши ўзига яраша, синглисига орасира ёрдам қилиб турмаска бўламайди...

...Уша кўни деворнинг нарига томонда (Султонали суд бўлган куннинг эртасигаёқ, ҳовли ўртасидан девор олганди) ўйин-қўлги, қийқирик эшитилар, қабоннинг иштихонини қитиқловчи хушбўй ҳиди димоққа уриларди. Султоналининг шаҳардан ошна-оғайнилари келишган, хотинининг туғилган кунини нишонлашмоқда эди. Донохон эса дастурхона кечки овқат сузиб кетди. Тушкун кайфиятда ўтирган эри ва қайна-нисига қаранг:

— Ҳало, меҳнат, пешона тери билан топган бир бурда номиниз хар нарсадан афзал. Дадаси, айтмасангиз ҳам билман, мен-

бир дард эзаётгани қандай аён эди. Дугонасининг нима гап, деган саволига бир хўрсиндию жавоб берди:

— Биласанми, Дилшоднинг онаси келибди. Уни қайтариб беришимни зор қақшлаб илтимос қилди.

— Қизик, фарзанди борлиги шунча йилдан кейин эсига келибди-да, — ажабланиди Ҳафиза ва хозиргина эшикдан чиқиб кетган аёлни эслади.

— Қизик, бўлганда қаңдоқ! Унинг кимлиги ҳаммасидан ҳам қизик.

— Ким экан у? — янаям қизиқиши ортиб сўради Ҳафиза.

— Сафаргул эсингдами? Ушанинг қизи — Муниса...

Ҳафиза хато эшитганими, дегандай қайта сўради. Сафаргулнинг қизи!.. Бўлиши мумкин эмас. Ахир, ҳамма балони бошлаган Сафаргул эди-ку. Дарҳақиқат, ўша пайтлар унинг қизи институтда ўқирди-я. Бундан чиқди, инсода қолмаслик учун ҳеч кимга сездирмай болани бефарзанд тоғасиво янгасига қолдирмоқчи бўлган...

— Ушанда қаттиққўл онасига ҳақиқатини айтишдан чўчиган экан, — деб гапда давом этди Нафиса. — У болани бизга топшириш энг тўғри йўл, деб ўйлади. Уша кўни йипти икков болани деразанинг тағида қолдиришиб, биз чиққунча кутиб туришган экан.

— Ҳўп, қилғилиқни қилишибди, нега эди сен болани катта қилгач уни тортиб олишмоқчи?

— Уша йигит Мунисага уйланибди, бироқ улар фарзанд кўришмабди. Эр-хотиннинг Дилшодимни қайтариб олмайдиган ўзга чораси йўқ эмиш. Аммо улар чучварани хом санабди, чунки мен ўғлимни ҳеч кимга бериб қўймайман! Дилшод — менинг фарзандим!

Бу гапларни айтгантан Нафиса илгарий тортиқоч ва уятчан Нафисага асло ўхшамас, ёниб турган кўзларида оналик беҳати ва шу бахт адо этган адоқсиз журъат, қатъият ва шижоат асқ этарди. Бу кўзлар боласини дея не қўйларга тушса-да уни жон-жаҳди билан ҳимоя эта оладиган, жиғарғушасининг бахту саодати учун жонидан ҳам кеча оладиган мўътабар аёлнинг кўзлари эди. Ҳафиза дугонасига дағи ентиб бўлмас кучга манба бўлаётган қудрат оналик меҳри эканини дил-дилдан ҳис этди...

Юлдуз ҲОЖИЕВА,
«Mahalla» мухбири.

Оила тилсими

Маҳалламиз пахлавонлари

ИСТЕЪДОДЛАР МАЙДОНДА КАШФ ЭТИЛАДИ

Бешикдаги чақалогини ҳам сурхонликлар полвоним, деб суйди. Шунданми, бу эл одамлари курашга ўзгача меҳру муҳаббат билан қарайди, болаларга кичиклигидан кураш сир-синаотларини ўргатади. Алпоминнинг юрти Сурхонда бирон-бир тўю тантана курашсиз ўтмайди.

Кураш мусобақаларининг аввалида кичик ёшдаги болалар давра айланади. Ёш полвонзодаларнинг қай бири ғолиб бўлишдан қатъи назар, ҳар бирига совға улашади. Удум шундай. Ёшлар доимо совғини бўлишсин, дейди эл оқсоқоллари.

Бу йилги «Маҳалламиз пахлавонлари» турнирининг кўни босқич, яъни маҳалла ва қишлоқларда ўтган мусобақаларида ҳам айни ҳолат акс этди. Эътиборлиси, маҳалла мусобақалари нафақат ҳудуд байрамига, балки мусобақа ташкилотчилари бўлган «Маҳалла», «Қамолот» ЁИҲ, Болалар спортини ривожлантириш жамғармалари, маданият ва спорт ишлари бошқармаси, вилоят кураш федерацияси, соғлиқни сақлаш бошқармаси каби қатор ташкилотларнинг ҳам қатнаши тадбири кўринишини олади.

— Сурхонликлар курашсевар халқ.



Вилотиимизнинг қайси бир туманида ёки маҳалласида кураш ташкил этиляпти, дейилса тезда тумонат одам жам бўлади, — дейди «Маҳалла» жамғармасининг Сурхондарё вилоят бўлими бошқаруви раиси Эркин Кўчкинов. — Бу, одамларимизнинг қадриятларимизни эътиборидан, спортга қизиқиши-

дан далолат. Айниқса, кейинги йилларда болалар спортга алоҳида эътибор берилиши туфайли жойларда ўнлаб замонавий спорт мажмуалари қад ростлади. Бу эса спортчи ёшлар сафини кенгайтирибгина қолмай, воҳамиздан қатор иқтидор соҳиблари етишиб чиқишига омил бўлади. Бутунги кун-

да жаҳон спорт майдонларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя этиб келаётган полвонлардан Абдулла Тангриев, Даваат Чориев, Суҳроб Дўстов, Равшан Маҳмудов каби ўнлаб чемпионлар ва уларнинг муносиб издошлари Яхё Имомов, Шароф Холаматов, Соҳибжамол Холиқуллова, Ҳасан ва Ҳусан Юсупов, Уктам Эргашев, Абдулла Холёровдек истеъдодли спортчилар айнан маҳалла курашида тобланган ёшларимиздир. Улар сафи «Маҳалламиз пахлавонлари» турнири туфайли янада кенгайтириш шубҳасиз.

Ҳақиқатан, истеъдодлар майдонда кашф этилади. Жорий йилнинг 10 майдан 20 июнгача вилоятнинг 673 та маҳалла фуқаролар йиғинида 1996 — 1997 йилларда туғилган ўғил ва қиз болалар ўртасидаги «Маҳалламиз пахлавонлари» турнирининг кўни босқич (маҳалла) мусобақалари ўтказилди. Ушбу бешашуварлар ўғил болалар орасида 50 — 55 кг. вазнада, қизлар ўртасида эса 44 — 48 кг. вазнада ташкил этилди. Турнир жойлардаги 8070 нафар ўғил ва 4038 нафар қиз болани қамраб олди. Ўтказилган мусобақаларда 1346 нафар ўғил, 1009 нафар қиз бола кўни босқич баҳсларининг ғолиблигига эришди. Энди улар 10 — 25 июль кунлари ўтаётган турнирнинг туман ва шаҳар босқичларида ўз маҳалласи шарафини ҳимоя қилишади.

Тўқтин РЎЗИЕВ, «Mahalla» мухбири.

Хабарлар

ЭНГ КУЧЛИ ГИМНАСТИКАЧИ ЎЗБЕКИСТОНЛИК

Халқаро гимнастика федерацияси дунёнинг энг кучли гимнастикачилари рейтингини эълон қилди. Унга кўра, батутда машқ бажариш йўналишида юртдошимиз, олимпиада ўйинларининг совриндори Антон Фокин 77 очко билан жаҳоннинг энг кучли спортчиси сифатида рейтингда қаровонбошлик қилмоқда. Яна бир спортчиси Луиза Галиуллина тўсун устида машқ бажариш йўналишида 70 очко билан рейтингнинг учинчи поғонасини банд этган.

Шу ўринда таъкидлаш кераки, ушбу рейтинг очколарини спортчилар йил мобайнида ўтказилган жаҳон кубогининг етита босқичи бўйича тўплаган. Мамлакатимиз спортчиларининг қисқа фурсатда дунёнинг энг кучлилари сифатида эътибор этилиши, албатта, юртимизда жисмоний тарбия ва спортга берилаётган эътибор ҳамда ёшлар учун яратилаётган зарур шарт-шароитларнинг маъсулидир.

Жорий йил давомида халқаро гимнастика федерацияси томонидан яна сақикта жаҳон кубогининг босқич мусобақалари ташкил этилади. Навбатдаги бешашувардан бири шу йил 11-12 сентябрь кунлари Бельгиянинг Гент шаҳрида бўлиб ўтади. Мутахассисларнинг фикрича, агар Антон Фокин ўз натижаларини қолган сақикта мусобақада янада мустаҳкамлаб олса, у жаҳон гимнастикачиларининг 2010 йилдаги энг кучли спортчиси мақомига қўтарилиши мумкин.

ЭШКАКЧИЛАР ГЕРМАНИЯДА

Шу ҳафтанинг сўнгги кунлари, яъни 3-4 июлда Германиянинг Аусбург шаҳрида славонда эшкак эшиш бўйича навбатдаги жаҳон кубогини мусобақалари бўлиб ўтади. Ушбу нуфузли мусобақада иштирок этиш учун мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари Германияга йўл олишди. 80 дан ошқ мамлакатнинг 350 нафарга яқин спортчиси қатнашадиган мазкур мусобақада Ватанимиз шарафини Юрий Мягкий, Алексей Наушкин, Алексей Забаров ва Андрей Николаев ҳимоя қилишади.


Ислом ҚЎЗИБОВ.

Биз кучли ва соғлом оила

СОҒЛОМ ТУРМУШ ШИОРИГА АЙЛАНГАН

ЭРМАТОВ ЖАҲОН ФУТБОЛИНИНГ ЭНГ НОМДОРЛАРИ САФИДА

Яқинда Россия матбуот нашрлари орқали гуноҳ жамоатчилиги орасида «ЖАРРА ўтаётган жаҳон чемпионатининг энг машҳур кишилари кимлар?» мавзусига сўров ўтказилди. Ушбу сўровнома якунига кўра, ҳаётининг Равшан Эрматов кучли бешликдан ўрин эгаллади. Эътиборлиси, бу сафда аргентиналик Диего Марадона, Сурнай чалувчи ишқибозлар, Криштиану Роналду, Лионел Мессия бор. Жаҳоннинг кўлаб кўзга кўринган қатор футболчиларини мутахассислари кейинги сафдан жой олишган. Масалан, англиялик Дэвид Бекхэм кучли ўнликка олинган.



Шу кунларда барча футбол ишқибозларининг нигоҳи ЖАРРА ўтаётган жаҳон чемпионати қаратилади. Юртимизда ҳам миллионлаб чарм тўп мухлислари мундиаль баҳсларини катта ҳаяжон билан кузатишмоқда. Чунки илк бор бундай нуфузли мусобақада ўзбек йигити ҳакамлик қилмоқда, унинг номи ва табиқий, жонажон ўзбекистонимизнинг номи жаҳон майдонларида кўп бора тилга олинмоқда.

Айниқса, Равшан Эрматовнинг майдондаги вазиятини аниқ кўра олиши, унингни ҳудуди шахматчидек ўқий библиши, футболчиларнинг ҳар бир ҳаракатини олдиндан ҳис қилиб, керакли жойда ўта адолатли қарорлар чиқариши жаҳондаги турли оммавий ахборот воситаларининг юртдошимиз шаънига илҳ қилувчи бадиришига сабаб бўлмоқда. Ана шундай пайтда, беҳтёр, қалбнингизда шундай фарзандни тарбиялаб вояга етказган инсонларга — унинг ота-онасига, маҳалла-қўйига, мураббийларига миннатдорлик ҳисси жўш уради. Ҳаққоний қарорларини яши майдоннинг мутлақ соҳиб — афсонавий футбол қироллари ҳам эътирозсиз қабул қилаётган ўзбек ҳакамининг қандай оилада вояга етганини билмиш учун Эрматовлар хонадонига йўл оидик. Бизни оила улуғлари Анисахон опа ва Сайфиддин акалар очик чеҳра билан қарши олишди. Чунки илк бор бундай дастурхон эзиб, чой олиб келди. Хуш тавозеъ билан чой узатаркан: «Хуш келибсизлар!», дея лутф қилди.

— Равшанжоннинг умр йўлдоши Муродахон, — дея гўзал келиндакни бизга таништирди Анисахон опа. — Умридан барака топсин, танжони со бўлсин. Келинимиз яқинда Тибет академиясини битирди. Ҳам ўқийини, ҳам рўзгорни эплаяпти, омон бўлгур, қизимиз.

Фахрий спортчи Сайфиддин ака Эрматов билан суҳбатимизни айни дамда юртимизда спортга бўлган муносабат мавзусидан бошладик.

— Ўғлимнинг XIX жаҳон чемпионатида ҳакамлик қилиши бутун ўзбекистонликлар учун қувончли воқеа. Сабаби яқин ўтмишимизда ўзбек йигити Осие чемпионатида ҳакамлик қилибди, деса ҳам бирор ишонмас, жаҳон чемпионатида ҳакамлик қилиш эса

бизнинг етти ухаб тушимизга ҳам қирмаган. Бундай имкониятларга Истиқлол туфайли, Президентимизнинг жисмоний тарбия ва спортга, хусусан, ёшларга юксак эътиборлари туфайлигина эришдик. Равшан болалигида Лабзақда катта бўлган. У ерда боғ ва унинг ичига стадион бўларди. Равшан ўша ерда футбол ўйнади. «Спорт, спорт, спорт!» — ўғлимнинг шiori шундай эди. Аммо у чет тилларни пухта эгаллашга ҳам зўр берди, компьютерда ишлаш технологиясини ўзлаштирди. Шу даражага етгунча тинимсиз тер тўқди.

Интиланга толе ёр, дейди халқимиз. Бутун бу хикматнинг ҳаққонийлигини Равшан Эрматов ҳақида унинг отаси айтган фикрлар ҳам тасдиқламоқда.

Шундан сўнг Муродахонни суҳбатга тордик.

— Равшан ака билан фахрланаман, ҳам уларга ҳавас қиламан. У оиламизнинг фахри. Соғлом турмуш тарзини ҳаётдаги шioriга айлантирган бу инсон туфайли мен ҳам спорт билан мунтазам шуғулланмоқдам. Спортнинг югуриши, сузиши, теннис каби турлари доимий ҳамроҳим.

Бу оила соҳибу соҳибалари билан дилдан суҳбатлашимиз чоғида уларнинг самимий,


меҳмондўст, очикқўнғил инсонлар эканига гувоҳ бўлдик. Айниқса, уларнинг фарзанд тарбияси ҳақидаги фикрлари бутунги ёш ота-оналар учун жуда муҳим эди. Фарзандларни қизиқиши бўйича йўналтириш, уларга дўстона муносабатда бўлиб, орзу-интилошларининг рўёбга чиқиши учун замин ҳозирлаш каби бир-биридан қимматли фикр-мулоҳазалар бидиришди.

Халқимиз азадан онлани муқаддас санайди. Чунки оила авлодлар давомийлигини таъминлайдиган, насл-насаб тозаланиши муҳофаза қиладиган, чин инсоний туғилган куртак отадиган табаррук маскан. Соғлом ҳаёт кечирish тарафдори бўлган, спортни ҳаётининг ажралмас қисми, деб ҳисоблайдиган Эрматовлар хонадонидан қайтарканмиз, бутун дунёга ўзбек номини таратаётган Равшан Эрматовнинг бу юксак парвози бежиз эмаслигига амин бўлдик. Дунёда болам, деб яшайдиган ўзбекнинг эса дунёга беран нигоҳ ила боқётган жажжи Равшанлари кўп. Равшан Эрматовнинг бутунги муваффақиятлари кўлаб юртдошларимизнинг маънавий парвозига туртки бўлиши шубҳасиз.

Юдуз ҚОЖИЕВА, «Mahalla» мухбири.

Дунёдан дараклар

Кимё заводида ёнғин



Хитой пойтахти Пекин шаҳри яқинидаги кимё заводида ёнғин содир бўлди. «Синь-

хуа» тарқатган хабарда жабранганлар ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмаган. Ёнғинни ўчириш билан 40 та ўт ўчириш машинаси ва юзлаб одамлар шуғулланмоқда. Гувоҳларнинг айтишича, ёнғиннинг тугуни бир километр баланликкача кўтарилган.

Ёнғин нимадан келиб чиққани ҳозирча номаълум. Завад маҳаллий «Yanfeng Huaxing Warehouse Logistics» компаниясига қарашли эди. Корхона вақилининг айтишича, бу ерда кўлаб тез ёнғичи маҳсулотлар, масалан ацетон ишлаб чиқарилади.

Самолёт қидирилмоқда

АҚШнинг Монтана штатида бир моторли «Piper» энгил самолёти йўқолиб қолди. «Associated Press» хабарида айтилишича, самолёт бортида тўрт нафар киши, жумладан, маҳаллий «Daily Inter Lake» газетасининг икки нафар ходими ҳам бор эди.

Сонни Клесс исми одам томонидан Миллий муз боғи устида сайр қилиш учун ижарага олинган самолёт яқинда куни тушдан кейин Калиспелл шаҳри аэропортидан учиб кетган ва белгиланган манзилга етиб бормаган. Душанба куни уларни қидириш бошланган эди. Лекин шу пайтга қадар самолётнинг қаер-



далиги ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Йўқолган самолётни топиш учун вертолёт ва чегара хизмати аскарлари жалб этилди.

Ўғрилар ҳибсга олинди



Одесса музейидан Караваджоннинг «Исонинг қамоққа олиниши» картинасининг йўқолиши муносабати билан Украинада 20 нафар киши қамоққа олинди.

Эслатиб ўтаемиз, ушбу асар жорий йилнинг 25 июнь кунин Украина-Германия ҳуқуқ-тартибот идораларининг ҳамкорлиқидаги

ҳаракатлари туфайли Берлиндан топиладиган эди. Уни сотишга уринган тўрт киши — бир нафар Россия фуқароси ва уч нафар Украина фуқароси қамоққа олинди.

Санъатшунослар картинанинг ҳақиқийлигини тасдиқлашди. Ўғрилик пайтида асарга бироз зарар етган. Уни тиклаш учун бир неча ой керак бўлади. Хабарларда айтилишича, бу асарнинг нархи қора бозорда 100 миллион долларгача баҳолашиши мумкин.

Экспертларнинг хулосасига қараганда, картина 1598 йилда яратилган. Узоқ вақт мутахассислар уни 1602 йилда чизилган ва Дублинда сақланаётган асарнинг нусхаси, деб келишарди. Лекин санъатшунослар ўтган асарнинг охирида унинг ҳақиқий эканлигини исботлашди.

Пенсия ҳисобидан жарима

«British Petroleum» нефть компанияси ишчилари Чикаго федерал судига компания раҳбарларига нисбатан давто аризаси билан мурожаат қилишди. Аризада айтилишича, Мексика кўрғазидан юз берган фоҳиша туфайли уларнинг йиғиб бориладиган пенсиялари миқдори анча камайган. «British Petroleum»да ишловчи барча кишилар, хусусан вақтинча ишловчилар ҳам маошидан пен-

сия фондига маблағ қўйиш ҳуқуқига эга эди. Шу боис, компания хазинасида йиғилган пенсия пуллари миқдори 2,45 миллиард долларга етган.

Ҳалокат юз берган, компаниянинг акциялари арзонлашиб кетди. Шу боис, пенсия жамғармаси миқдори ҳам камайган. «British Petroleum»да ишловчи барча кишилар, хусусан вақтинча ишловчилар ҳам маошидан пен-

Иқтисодий сиёсатдан аҳоли норози

Бир неча кундирки, Грецияда умумий иш ташлаш давом этмоқда. Аҳоли ҳукумат олиб бораётган иқтисодий сиёсатдан норози. Жаҳон оммавий ахборот воситалари тарқатаётган хабарларда айтилишича, мамлакатда пенсия миқдори 7 фоизга қисқарган. Кеча Афина ва Салоники аэропортларида ячки

рейсларда самолётлар парвози тўхтади.

Испанияда ҳам ҳудуди шундай норозилик намойишлари бўлиб ўтмоқда. Билбаода полиция ва намойишчилар ўртасида тўқнашув содир бўлди. Мадрида кеча метро ишламади. Маълумотларга қараганда, ҳозир мамлакат аҳолисининг 20 фоизи ишсиз.

Интернет хабарлари асосида Жаҳонгир Юсупов тайёрлади.

«Mahalla» шифохонаси

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ИЧАК «ҚАРОҚЧИ»ЛАРИ!

Одатда гижжа(гельминт)лар қайси аъзоларда бўлишига қараб, турли касалликларни келтириб чиқаради. Мабодо одам аъзоларида гижжа бўлса, унинг вазни камайиб, асабий бўлиб қолади, жиззакилик, толиқиш, ланглик кузатилади.

Гижжалар овқат ҳазм қилиш, нафас олиш, мушак тизимида, шунингдек, жигар, талоқ, мия, кўз каби аъзоларда ҳам бўлиши мумкин. Мабодо гижжа ичкада бўлса, ич кетиши ёки қотиши кузатилади, кўнгил айниди, қоринда нохуш оғриқ пайдо бўлиб, бош оғриб ганиши, асабийлашши, тутқаноқ тутиши ҳам рўй беради.

Гижжанинг яна бир тури қилгижжа-острицанинг асрати ўзгача. У одамнинг йўғун ва ингичка ичкада паразитлик қилади. Улар майда чучвалангсимон бўлиб, узунлиги 2-12 миллиметр атрофида бўлади. Қилгижжа кўнглича болаларга оғиз орқали юқади. Урғочи майда гижжалар одамнинг орқа тешиги — маъқад-

дан чиқиб, шу жойга кўлаб тухум қўяди ва ўзи ўлади. Тухумчалар тунни билан етилади. Бу гижжалар болаларни безовта қилиб, уйқусини бузади. Шунингдек, бола кўнглини айниди, иштаҳасининг йўқолишига сабабчи бўлади. Гижжаси бор кишилар кечаси тишларини гижжирлатиб чиқишади. Гижжалар «исканжасига» тушиб қолмаслик учун киши озодаликка алоҳида аҳамият бериши лозим қўрилади. Даво чораларини бошлаш билан бир қаторда поли яхшилаб йиғиштириб, ун сатхи, меъбел, ойна, уйингочларни ювиш, гигиеник обзан (ванна) қабул қилиб, кўрпа-тўшак жилталарини, чойшабларни, кийимларни дазмоллаш керак.

Мабодо одамда юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар рўй берадиган бўлса, унда, албатта, шифокорга мурожаат қилмоқ даркор. Фақат шифокор беморнинг атрофида ўрганиб, лозим топса, биологик намуналарни таҳлил қилган ҳолда у ёки бу даво муолажаларини тавсия этиши мумкин. Биз эса қуйида ҳақ таботати асосида гижжалардан ҳоли бўлишга доир маълумотларни келтирамиз.

Турп шарбатини асал ёки шакар билан аралаштириб ичиш гижжанинг йўқолишига ёрдам беради.

Саримсоқ солиб қайнатилган судан ичиш ёхуд саримсоқ пачақларини бўлақчаларга ажратиб, бирин-кетин ютиб туриш ёки қовоқ мағзларини саримсоқ билан обдон аралаштириб, истеъмол қилиш гижжадан ҳоли бўлишга ёрдам беради.

Уй шаритида гижжаларни тушириш учун қовоқ уруғларини иетеъмол қилиш яхши натижа беради. Бунинг учун

қуйилиб, оғзи беркитилган ҳолда 4 соат сақланади. Сузиб олинган, ярим стакандан кўнра 2-3 маҳал овқатланишдан 20 дақиқа олдин ичилади. Лимон истеъмол қилиб туриш ҳам қилгижжаларнинг йўқолишига ёрдам беради.

Муррак болалардаги гижжаларни йўқотишда қуйидаги беозор амали қўллаш мумкин. Бунинг учун болага сабзи шарбатини асал билан аралаштириб, кунига 1-2 ош қошиқдан наҳорга бериб туриш ижобий таъсир кўрсатади.

Мабодо одамда тасмасимон гижжалар бўлса, у тўйимли овқатланиш лозим, балмқ мойн қатлаида жуда қўл келади. Мазкур амал гижжанинг тухум қўйишининг олдини олади.

Гижжалар «исканжасига» тушиб қолмаслик учун, аввало, тозаланиш ривож қилиш, истеъмол учун яроқли неъматларни ювиш, овқатланиш олдидан қўл, идиш-товуқлар озода бўлиши керак.

Маннон НАБИЕВ, доррушнос.

Дил сўз

САДОҚАТ ВА ЭҲТИРОМ ТИМСОЛИ



Дам олиш кунлари кўпинча қизларим билан Қарши шаҳрининг бош майдони —Мустақиллик хиебонини айланамиз. Юқорига қараб музикавий оҳангга монанд турли шаклга киратган фавворалар, қиштин-ёзин яш-

наб турайдиган гуллар ҳамда хиебондаги ўзига хос соқиналик ва улурворлик кишига ажиб хис-туйғулар бахш этади.

Ота-онаси ёнида чопқиллаб кетётган, ҳар бир нарсасига ҳайрат би-

лан боқётган болакайга, юзида мамнулик акс этган йигит-қизларга қараб кўнглингиз шукроналик хисларига тўлади. «Шу бахтиёр кунларга кўз тегмасин», дея қайта-қайта такрорлайсиз.

— Аяжон, қаранг ҳайкалдаги йигит тоғамга ўхшаб кетади-я.

Ҳар сафар майдондаги «Эл-юрт таянчи» манументи ёнидан ўтаётганимизда қизим шу гапни такрорлайди.

— Ёнидаги бувам-а...

Қизим гапни тасдиқлашмини кутиб, юзимга тикилади.

— Ҳа, — дейман.

Бу гапни қизимни жавобга маҳтал қилмаслик учун айтаман-у, ҳайкалга синчилик қарайман. Чиндан-да ҳайкалда акс этган қиёфа раҳматли отамга ўхшашини ҳис этиб, кўнглим орзиқиб кетади. Офтобада қорайган юз, меҳр ва самимият, умид акс этган чеҳра.

— Вой бу, менми? — деган овоз хаёлимни бўлади. 60 ёшлар чамасидеги аёл неврасининг қўлидан тупанча «Эл-юрт таянчи» монументига ҳайрат билан қараб, беихтиёр гашириб юборгани эътиборимни тортиди. Аёлининг мента кўзи тўшди, шекилли, бироз хижолат тортиди. Сўнг изоҳ бера бошладим:

— Уғлим Қаршида ўрнатилган ҳайкалдаги аёл сизга ўхшайди деса, ишонмабман. «Мени ким ҳам танир эди, ҳазиллашма», дебман. Ростдан ҳам менга ўхшар экан. Отасини ҳам жуда ўхшатибди. Қотмалиги шу ерда ҳам билиниб турибди. Бир умр меҳнатдан боши чиқмаган. Болаларни кам-кўстисиз ўстирай дейди-да.

Аёлининг соддадиллигидан завқланиб, гапга тутаман.

— Каерликсиз?

— Миришқорданман. Шу ҳайкални кўраман, деб кўп интиқ бўлдим. Ҳайкални Юртбошимизнинг ўзалари очибдилар.

Ким билсин, бу обида яна қанча кишини руҳлантирган. Яна кимлар бу ҳайкалда ўзининг аксини кўрган. Ҳақиқатдан-да, бу монумент юртимиздаги кўплаб хонадонларни ёдга солади. Унинг қошига келган кишига бу сиймолар кимнидир эслатади, жуда яқин, жуда таниш туюлади. Бу туйғуларнинг мақсадларининг мушаррафидан далолат, аслида. Бу ҳайкал суяги меҳнатга қотган, ҳаётнинг қийинчиликларини сабр-бардош билан енгиб ўтиб, эзгу мақсад сари илтипаётган жафокаш ўзбек оиласининг тимсоли. Монумент оддий ўзбек оиласига, азалий қадриятларимизга юксак ҳурмат-эҳти-

ром рамзи сифатида Мустақиллик майдонига қад ростлаб турибди. Назаримда, заҳматкаш оддий оилалар ҳайкал тимсолида ўз қаддини тошандек.

— Менинг билишимча, дунёдаги бирор-бир бошқа мамлакатда оилага бундай бетимсол ҳайкал қўйилган эмас, — дейди меҳнат фариши Янвэр Иноятов. — Шунинг учун ҳам биз қашқадарёликлар бу монумент билан фахрланамиз. Ҳар биримизни бу мажмуа руҳлантиради, эл-юрт тараққиёти учун янада кўпроқ меҳнат қилишга undайди.

Юртбошимизнинг ушбу монументнинг очилиш маросимида айтган гаплари хаёлимдан ўтади: «...Ҳайкал пойидаги тегиримон тоши бамисоли ҳаёт гардиши каби шиддат билан айланади, замон, давр тинимсиз ўзгариб боришини англатиб турибди. Тегиримон тоши узра эса бир-бирини асраб-авайлаб, бир-бирига елкадош бўлиб, ўз она-заминида мустаҳкам турган, Қашқадарёни бутун дунёга танитган, ҳар қандай мушкул вазиятда ҳам ўзига ишониб яшайётган, халқимизнинг суяги ва таянчи бўлган меҳнаткаш оила тасвири мўжассамлашган». Бу сўзлар қашқадарёликларнинг юрак-юртагига етиб борган. «Эл-юрт таянчи» мажмуасининг салобатидан, унинг рамзи ифодасидан эл доимо улкан қувват олиб яшайдики, унинг шукуҳи одамларни ҳамisha бунёдкорлигу яратувчанликка чорлаб туради.

— Қаршининг бош майдонига ўрнатилган «Эл-юрт таянчи» монументини ҳар кўрганымда таъсирланман, — дейди Қарши тумани Қовчин қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Бахтиёр Ҳасанов. — Ушбу ёдгорлик замирида чуқур маъно бор. Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси сифатида кўп хонадонларда бўламан. Ҳайкал уларнинг ҳар бирини эслаб юборади. Қадди қомаги, қарашларидега айнан бизнинг воҳамизда яшайдиган, Юртбошимиз айтганидек, «чўл синовлари ва қийинчиликларидега тобланган жафокаш одамлар акс этган».

Бу гўзал обида ҳар бир кишида эзгу таассурот қолдиради. Бутун куч-қуввати, меҳрини оиласига, эл-юртига башишлаган инсон — ота тимсоли, муноси ва меҳрибон ўзбек аёли, ҳаётга қатта ишонч билан кириб келаётган, им-маърифатга ташна, азмушжозатли авлод вақили, гўзаллик рамзи, ҳаётнинг давомчиси бўлган ўзбек қизи гўё юрт тимсоли, эзгулик, қадр-қиммат, боқийлик рамзи, ҳаёт таянчи.

Бутун бу монумент пайдан гуллалар, гулчамбарлар армайди. Уни зиёрат қилувчиларнинг кети узилмайди. У садоқат тимсоли бўлган оилага, жафокаш халққа ҳурмат-эҳтиром ифодасидир.

Санобар БОЙМУРОДОВА,
«Mahalla» мухбири.

Маҳалламиз тарихи

ТУПРОФИ УНУМДОР МАСКАН

Тошкент вилояти Қибрай туманидаги Унқўрғон қишлоғининг ўрни қадимда адирлардан иборат, тупроғи унумдор, деҳқончилик учун қўлай бўлган. Хууддан ўтган йўл четига дастлаб Суюнбек исмли одам уй қурган. Унинг атрофида қўйларни учун қўра ясаб, шохлар билан ўраган. Бу ердан кўпроқ қўй сотиш учун Тошкентга йўл олган чўпонлар ўтишган. Улар Суюнбекнинг уйда дам олишиб, қўй-қўзларини қўрада сақлашган.

Бу ернинг тупроғи унумдорлиги боис, одамлар шаҳардан кўчиб келиб, деҳқончилик билан шуғуллана бошлашган. Деҳқонлар чайлалар, айримлари эса уйлар қуриб, ёз бўйи экинларини парварши қилиб, кузда ҳосилни йиғиштириб шаҳардаги уйларига олиб кетишган. Уларнинг ерлари кенгайгани сари ҳосиллари ҳам мўл бўлган. Ҳосилнинг ҳаммасини олиб кетиш имконияти йўқ эди. Чунки у пайтда транспорт бўлмаган, юклар фақат от-аравада ташилган. Йўллар эса тупроқли бўлиб, ёғингарчилик пайтида юриш жуда қийин бўлган. Шунинг учун деҳқонлар ҳосилларини далада сақлаб, ўзлари ҳам шу ерда қишлоқ қолмишган. Деҳқончилик орқасидан йиғиштириб олган маҳсулотларини оз-оздан олиб бориб сотиб келишган.

Кейинчалик деҳқонлар кўпроқ помидор ва картошка экишга киришилган. Чунки бу ерларда авваллари полиз экинлари экинмасди. Деҳқонлар ўз ерларини кенгайтиришлари, помидор, картошкадан қатта даромад топганилари тўғрисида оилавий ахволларини яшилаб боришган. Секин-аста улар ўзларига қичик уйлар ўрнига қўрғонлар қура бошлашган.

Уша даврда ҳозирги «Обод» маҳалласида 1 та, Унқўрғонда 6 та, Бўри отада эса 3 та қўрғон бўлган. Шу боис, бу жойни «Унқўрғон», деб номлашган.

Бугунги кунда ҳам ўнқўрғонликларнинг кўпчилиги деҳқончилик, чорвачилик, боддорчилик билан шуғулланиб келишмоқда. Айниқса, шахсий томорқа ерларидан унумли фойдаланаётган кўплаб хонадон эгалари ўз оилавий даромадини яхшилаётди. Қувонарлиси, ҳало меҳнатидан топилаган даромад эвазига таъриқорлар аҳолига қўлайлик яратиб мақсадида тўйхона, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, ёшлар учун спорт майдончалари бунёд этишмоқда.

Абдукарим ПУЛАТОВ,
меҳнат фариши.

Уқинг, бу қизик!

АСВОН ТЎҒОНИ



Бу улкан тўғон дунёдаги энг узун — Нил дарёсининг сувларини тўсиб туриш учун қурилган. Тарихдан маълумки, қадим замонлардан буён Нил дарёси ҳар йили бир марта ўзанига сиғмай тошади. Бундай йирик тошқин ўзига яраша муаммолар келтириб чиқаради. Оқибатда кўплаб уйлар ва ҳосилдор далаларга зарар етиши мумкин.

1902 йилда муҳандислар тошқинларнинг олдини олиш учун тўғон қуришди. Бу тўғон кейинчалик 1912 ва 1933 йилларда янама баландроқ кўтарилди. Бирок бу тўғон Нил сувларининг тошқинига бардош бераомаётган эди. Шу сабаб, 1960 йилда янги ва баланд тўғон қуриш устида тинимсиз изланиш ва ҳаракатлар олиб борилди. Ниҳоят, ҳозирги Асвон тўғони бунёд этилди. Бу тўғоннинг узунлиги 3,6 км.дан ортиқ, баландлиги эса 111 метр, юқори қисмининг кенлиги 40 метрни ташкил этади. Асвон тўғони 10 йил мобайнида қуриб битказил-

ди. Ёмирлар мавсумида тўғоннинг фойдаси жуда катта. Тўғон йил давомида сув оқимининг мувозанатини муттасил сақлаб туришга ёрдам беради. Тўғондан юқорироқда эса узунлиги 500 км. ли сув ҳавзаси қурилади. Уни шу ернинг аҳолиси Носир қўли, деб аташади. Носир қўлида йиғиладиган сув қишлоқ хўжалиги учун сарфланади. Шунингдек, тўғондан ўтаётган сув турбиналарни айлантириб, Мисрнинг ярмини электро энергия билан таъминлаб туради.

Гўзал БАХТИЁРОВА тайёрлади.

Бола тилидан

ДАЗМОЛ УЧМАГАН ЭДИ

— Қизалоқ овқат еб турган пайтда нимадир демокчи бўлди. Аммо ойисни уни қойиб: — Овқатланаётганда киши гапирмайди, — деди.

Овқатланиб бўлишгач, қизалоқ деди: — Сиз дадамнинг кўйлаги устда дазмолни ўчирмай қолдирдингиз.

ХАРИД

Бир бола эски нарсалар сотиладиган дўкон сотувчисидан сўради:

ОРЗУГА АЙБ ЙЎҚ

Икки кекса улфат суҳбатидан: — Айт-чи, болалиқдаги орзуларингдан бирортаси ушадими? — Ҳа, ушадди. Сочимдан ушлаб тортишганида, кал бўлиб қолсайдим, деб орзу қилганим.

Лазиза НОРЧАЕВА тайёрлади.

Ёз — ўтмоқда соз

«ШОДЛИК»ДАГИ ШОДОН БОЛАЛАР

Ҳар бир ўқувчи ёзги таътилни мароқли ўтказиш истагида оромгоҳларда дам олишни истайди, албатта. Бирок айрим оилалар фарзандларида бундай имконият бўлмайди. Бугун маҳаллалар томонидан кам таъминланган бундай оилалар фарзандлари учун кўплаб шароитлар яратиб берилётди.



Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 202-умумтаълим мактаби қошида ташкил этилган «Шодлик» соғломлаштириш оромгоҳи яқинда ўз фаолиятини бошлади. «Наврўз» маҳалласи фаолари томонидан кўрсатилаётган моддий ёрдам тўғрисида бу ерда кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳам ёзги таътилни мазмунли ўтказиб, оромгоҳда ташкил этилган тўғарақ машғулотларидан баҳ-

раманд бўлишайтир. — Оромгоҳга келадиган фарзандлар учун ёрдам тариқасида ҳар бир болага алоҳида маблағ ажратилган. Биргина «Наврўз» маҳалласидан кам таъминланган оилаларнинг 12 нафар фарзанди оромгоҳга жалб этилди. Улар бу ерда мириқиб дам олиш билан бирга, ўз қизиқишларидан келиб чиқиб, ўндан ортиқ тўғарақларда касб-ҳунар ўрганишмоқда, — дейди «Наврўз» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Ромеш Ний.

«Шодлик» оромгоҳига ёз давомида жами 800 нафар бола жалб этилади. Уларнинг аксариятини «Наврўз» маҳалласи ёшлари ташкил

этади. Оромгоҳда 8 та гуруҳ бўлиб, уларнинг ҳар бирига тарбиячи ва етакчилар бириктирилган. Маҳалла мутасаддилари ҳамкорлигида жойларда умумтаълим мактабларида бундай ёзги оромгоҳларнинг ташкил этилаётганидан болажонлар, қолаверса, уларнинг ота-оналари ҳам

мамнун. Маҳалла фаолари томонидан кам таъминланган оила фарзандларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик, моддий-маънавий кўмак уларнинг ҳар томонлама етук, баркамол инсонлар бўлиб етишишларига замин яратиши, шубҳасиз.

Диллафруз ТўРАҚУЛОВА.

Гузардаги гурунглр

ЎН ОҒА-ИНИ «ПОРТУГАЛ»

Сир эмас, ахён-ахёнда олис қишлоқ ва овулларда тилёғлама, мугомбир, нафс йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиغان, содда кишиларни чув тушириб кетаётганлар ҳақидаги гаплар қулоққа чалиниб қолади. На куларингизни, на қуярингизни билмайдиган, етти ухлаб тушингизга кирмаган бундай воқеалар ҳақида гурунглашиш фойдадан холи эмас, қолаверса, чув тушиб қолаётганларга нафи тоғар, ёшларга сабоқ бўлар. Қуйидаги воқеа-хангомани беҳуда эсламаямиз, демокчимиз.

Оқдарё туманида Янгиривон, деган маҳалла бор. Одамлари диққат, ҳазил-мутойибага ўч, соддаликлари ҳам ўзларига яраша. Бир кунги ана шу маҳаллада, аниқроғи, шаҳар қўрғон йигит Абдусамандикида дўша-дуруст, шинаванда бир йигит пайдо бўлибди. Португалияга «набор» бошланганини, пул шайиб келишни истовчилар бўлса, бажонидил ёрдам

армонда қолибди. Начора, режа-режа-да!

Ниҳоят, азим Самарқанддан кўнғироқ бўлиб, тайёрланиши зарур бўлган ҳужжатлар рўйхати айтилибди. Аризалар «регистрацияси» учун 50 АҚШ долларидан йиғишлари лозимлиги ҳам эслатиб ўтилибди. 500 долларни йиғиб олган Абдусамат шаҳарга отланибди. Қайтиб келгач, дўшларига қайси ресторанда ўтирганини, учрашув юқори савияда ўтганини айтиб керилибди. Ҳожатбарорининг топириғини ҳам етказибди. Инглиз тилидан дастлабки сачиб олишимиз керак, ҳеч бўлмаганда, саломлашишни, ул-бул сўрашни билмасак қийналиб қоларканмиз.

Шаҳардан юборилган ўқитувчи икки-уч кун ичида

хорижда қилувчиларнинг забонларини 15-20 сўз билан бойитиб қайтибди. Ўзи тарбия қўрган йигит экану, бирок насияга сираям кўнмас экан. Тўлланган 500 долларни қўрғонда санаб олибди-ю, «Гуд бай» дея жунаворибди.

Кўп ўтмай хушбабар келибди: самолёт ҳам гаплашилди, паспортлар ҳар кимнинг ўзида бўлсин, ҳа, айтганча, харажатлар учун 200 доллардан йиғилсин!

Бундай хабардан қувонамай бўладими, Абдусамат қорни силкилаб қулади, Акбарнинг оғзи қўлғонда, инглизча гашириб қўяди, Абдурашид шод, бунни ювиш керак, дейди.

Бундай хабардан қувонамай бўладими, Абдусамат қорни силкилаб қулади, Акбарнинг оғзи қўлғонда, инглизча гашириб қўяди, Абдурашид шод, бунни ювиш керак, дейди.

Ҳафта ўтиб «куратор» етиб келди. Охириги ва асосий харажат учун 500 доллардан йиғиш кераклигини айтади. Қишлоқдагиларнинг ахлоқини тушунигани боис, ёрдам қилаётганини, 300 доллардан йиғилса бўлишини, қолганини ўзи тўлаб туришини айтади. Бундай хотамтойликка нисбатан йигитлар: «Бизда ҳам қолиб кетмас, устамаси билан қайтарамиз, албатта», дейишади.

Хуллас, сафарга отланган-

ларни махсус микроавтобсда олиб кетадиган кун ҳам келди. Уша кунни эрта тонгда қишлоқ бекати гавжум бўлди. Шляпали йигит ва уларни қузатувчилар ўйин-қулги қилишди. Акбарнинг қўлида хассас-таёқ ҳам бор, холасига қараб «хо-ла», деб қўяди. Кун пешиндан оғди ҳамки, машинадан дарак бўлмади. Абдусаматда жиғибийрон бўлиб, шаҳарга қўнғироқ қилди. У тарафдан эса нуқул бир хил жавоб келади: «Сиз мавжуд бўлмаган рақамни тевингиз...»

Бўлгани бўлиб ўтди, гузарда эса бир талай гурунғ қолди. ... Пулим кетган, деб бир анойи совунни еган экан. Шунга ўхшаб, ўновон ҳам асло паст кетган эмас. Тўй-маъракаларга бир хил қийиниб келишади. Акбарнинг қўлида эса албатта, хассас-таёқ бўлади...

Хангомани ўқтам ҚУРБОНОВ ёзиб олади.